



MILLIY TIKLANISH

18 (502) ● 2018 йил 2 май, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ САМАРАЛИ ВА МАЗМУНЛИ БЎЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон 29 апрель — 1 май кунлари давлат таширфи билан мамлакатимизда бўлди.

Ташрифнинг учинчи куни олий мартабали меҳмон Бухоро вилоятига келди.

Бухоро халқаро аэропортида Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғонни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Бухоро вилоятида ушбу ташрифга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Кўчалар икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган, ранг-баранг панноларга халқларимиз дўстлиги ва қардошлигини тараннум этувчи сўзлар ёзилган.

Ўзбек ва турк халқлари тарихи асрлар давомида шундай мустақам илдизлар билан боғланганки, уларни бир-бирдан айро тасаввур қилиш мушкул. Турк халқи Ўзбекистон заминини муқаддас деб билади ва уни "ота юрт", деб эъозлайди. Қардош турк халқининг диёримиз ва халқимизга бўлган чексиз меҳри ва хурматини англаш, ҳис қилиш учун шунинг ўзи етарли.

Ўзбекистон заминидан туғилиб ўсган, жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккирларни Туркияда яхши билишади ва қадрлашади. Бутун мусулмон оламида машҳур аллома, нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ана шундай сиймолардан биридир.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон Бухоро вилоятига ташрифини Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади.

Улуғ аллома руҳи покига Қуръон тиловат қилинди. Олий мартабали меҳмонга тариқат асосчисининг ҳаёти, ислом дини ривожига қўшган ҳиссаси, мустақиллик йилларида мажмуада амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида маълумот берилди.

Ўтган йили мажмуа ҳудудидан Президент ташаббуси билан Мир Араб олий мадрасаси фаолият бошлади. Туркия Президентига Ўзбекистон мусулмонлари идорасига қарашли ушбу мадраса тарихи ва фаолияти ҳақида сўзлаб берилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини тарғиб этиш, илм-фан ва динимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар меросини чуқур ўрганиш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.

2-бет →

Депутатлик назорати

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК МУАММОЛАР ЕЧИМИДА ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТГА ЭГА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан парламент аъзоларининг жойларда ўрганишлари ташкил этилаётгани кўп муаммоларни бартараф этиш билан бирга, одамларнинг давлат идораларига ҳамда депутатларга ишончини мустақамламоқда. Бу фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалиши, давр билан ҳамнафас яшашида муҳим омил бўлаётмир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиядан сайланган депутатларнинг бу галги учрашувлари 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасига тўғри келгани боис фракция аъзолари ҳудудларда қариллик гаптини сўраётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийлари хонадонига ҳам ташриф буюриб, уларнинг ҳолидан хабар олдилар. Уларнинг кўрсатган жасорати, матонати, она Ватан олдидаги буюк хизматлари бугунги ёш авлод учун намуна сифатида эътироф этилди.

3-бет →



Назорат ва таҳлил

КУТУБХОНАЛАР — МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

АММО ҲУДУДЛАРДА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши партия сайловолди Платформаси ижросини таъминлаш мақсадида Бўка туманидаги 1-умумтаълим мактаби қошидаги туман ахборот-ресурс маркази (АРМ) ва Бўстон қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи ҳамда Оққўрғон туманидаги қишлоқ хўжалиги ва коммунал касб-хунар коллежи ахборот-ресурс марказлари фаолиятини ўрганди. Ўрганишлар давомида бир қатор муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Биринчи Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик тизимидаги кутубхоналар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказилган, улар негизда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ҳузурида ахборот-ресурс марказлари тузилган эди. Мазкур қарорда барча кутубхона Интернет тармоғига улаштириш, аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириши белгиланган. Бироқ ўрганишлар жараёнида аҳолининг кутубхоналардан эмин-эркин фойдаланиш имконияти

чеклангани, аксарият кутубхоналар таълим муассасаларида жойлашгани учун аҳоли ахборот-ресурс марказларини фақат таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари учун деб тушунаётгани, кўпчилик фуқаролар уларнинг кенг аҳолига хизмат кўрсатишидан беҳабарлиги маълум бўлди. Хабардорлар эса таълим муассасасига келганда кўриқлаш хизмати масъуллари кўп ҳолларда хавфсизлик нуқтаи назардан уларни киритмапти. Бу ҳолат албатта, китобхонга ноқулайлик туғдиради.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида камол топиб келаётган авлоднинг, биринчи навбатда, китобга муҳаббат

ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, таълим муассасаларининг ахборот-кутубхона фондиди кўпайтириб боришга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган, — дейди ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров. — Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори китобхонлик маданиятини ошириш ва соҳада олиб борилаётган ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2-бет →

Муносабат

ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон шу йил 29 апрель — 1 май кунлари давлат таширфи билан мамлакатимизда бўлди. Расмий сафар доирасида Президент Режеп Таййип Эрдоғон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига таширф буюрди.

Жаҳон парламентаризм амалиётида давлат бошлиқларининг парламент аъзолари олдида чиқишлари аънаънага айланган. Яқинда Франция Президенти Эммануэль Макрон АҚШ Конгрессида сўзга чиққани бунга янги ва яққол мисолдир.

Ўтган йили Президентимиз Шавкат Мирзиёев Туркиянинг Буюк миллат мажлисида нутқ сўзлади. Бу гал мазкур аънаъна Туркия раҳбари давом этириб, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари олдида нутқ сўзлади. Ушбу тарихий воқеа Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик нақадар юқори даражага кўтарилганининг ёрқин ва амалий ифодасидир.

Мамлакатимиз Туркия давлати билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатларга асосланган савдо-иқтисодий ва инвестициявий муносабатларга таянган стратегик ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айни пайтда алоқалар ижтимоий-сиёсий йўналишларда ҳам янги босқичда ривожланиб бормоқда.

5-бет →

Депутат сўрови — халқ сўрови

ЖАВОБСИЗ ҚОЛГАН 17 СЎРОВ ЁХУД ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИНГ МУРОЖААТИГА БЕПИСАНД МУНОСАБАТ ХУСУСИДА

Депутат, энг аввало, халқ вакили. У кўпсонли аҳолининг вакили сифатида уларнинг манфаатини ҳимоя қилади, тақлиф, муаммо ва мурожаатларини тинглаб, шу асосда иш олиб боради, халқ ва давлат ўртасида кўприк вазифасини ўтайди.

Бугунги кунда барча даражадаги депутатларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи ошиши баробарида зиммаларидаги масъулият юки ҳам ортмоқда. Улардан аҳолини қийнаётган муаммоларни бартараф этиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича ташаббуслар билан чиқиш талаб этилмоқда. Айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар, партия гуруҳлари жойларда ечимини қутаётган, одамларни ўйлантириб келаётган муаммоларни чуқур ўрганиш ва ҳал этишда фаол бўлиши лозим. Партия дастурий мақсадларидан келиб чиқадиган устувор вазифалар, қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жойлардаги ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатиш, тегишли корхона, ташкилот раҳбарлари ва мансабдор шахсларга фуқаролар мурожаатлари асосида депутатлик сўровлари билан чиқиш, уларнинг ҳисоботини эшитиш ва депутатлик назоратини олиб бориш депутатлар зиммасидаги муҳим вазифа саналади. Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиядан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар ўз ваколат ва ҳуқуқларидан самарали фойдаланган ҳолда аҳоли мурожаатларида кўтарилган муаммоларни ҳал этишга интиломоқда.

4-бет →

Хиёбон

АДАБИЁТ БУ — ИНСОНШУНОСЛИҚДИР

Адабиёт маънавиятнинг асоси, миллатнинг кўзгуси, овозидир. У ҳақиқат ҳар бир миллатнинг миллий хусусиятларини, унинг ўзига хослигини, менталитетини, инсонлар маънавий қиёфасини намоён этиб, одамларни маънавий камолот, тафаккурий ўсиш, юксалиш сари етаклайди. Ана шу бўстон гултожлари бўлмиш ёзувчи ва адиблар миллатнинг юзи, жамият тафаккурининг эгалари сифатида бугун юртимизнинг эъзоз ва эътиборидандир.



Ениқ қалбли ижодкор, ёзувчи **Зулфия Куролбой қизи (Йўлдошева)** ўзининг қатор ҳикоя, қисса, роман ҳамда бадиий фильм, сериал ва сахна асарлари билан китобсеварлар ҳамда томошабинлар қалбидан жой олган адиба. Унинг "Турмуш", "Евузлик фариштаси", "Қадимий кўшиқ" ҳикоялари тўпламлари ҳамда "Армон асираси", "Машақатлар гирдобини" романлари ўзига хос руҳияти, турли қиёфалар тақдири қаламга олингани билан ўз ўқувчисининг кўнглига етиб борган. Унинг ҳикоялари асосида Ўзбекистон давлат драма театрида "Аёл", Сирдарё вилоят театрида "Тафаккур" спектакллари сахналаштирилган, "Чақмоқ чаққан тунда" бадиий фильми суратга олинган. "Ёзсиз йил", "Ер тафти" бадиий фильмларининг, "Фидойилар" сериалининг сценарий муаллифи бўлган адиба айни пайтда "Ўзбекфильм" киностудиясида муҳаррир бўлиб ишлайди.

8-бет →

Ушбу сонда:

"ҲАМОН ЎЛАНЛАР ТЎҚИБ, ЎҚИМОҚДА ЎЛМАС ЗОТ..."



5-бет →



БОЙСУН — МОДДИЙ ВА НОМОДДИЙ МАДАНИЯТ БЕШИГИ

6-бет →

ТРЕВИ — МЎЪЖИЗАКОР ФАВВОРА



7-бет →

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!



газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ САМАРАЛИ ВА МАЗМУНЛИ БЎЛДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ислам цивилизацияси маркази барпо этилмоқда.

Олий мартабали муҳом УЎзбекистон буюк алломаларга бешик бўлган муқаддас замин экани, халқимиз тарихи, бой маънавий меросига ғоят ҳурмат билан қарашини таъкидлади. Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғон Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Бухоро шаҳридаги Арк қўрғонини томоша қилди.

Азалдан Ғарб билан Шарқни боғлаган буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳасида жойлашган Бухоро бой ва шонли тарихга эга. Ушбу тарих халқимизнинг ўтмишдаги турмуш тарзи, бунёдкорлиги, хорижий давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларидан гувоҳлик беради. Арк қўрғонидан жойлашган вилоят ўлкашунослик музейида намойиш этилаётган минглаб экспонатлар, археологик буюмлар ҳам шу ҳақда ҳикоя қилади.

Икки давлат раҳбарлари мазкур музей фаолияти билан танишди, бу ердаги ноёб осори-атқаларни кўздан кечирди, музей қўриқхона ҳудудидаги жомеъ масжидида бўлди. Қўрғон марказида сақланиб қолган қабулхона — маросимхонада вилоят санъаткорлари томонидан халқлар дўстлигини тараннум этувчи миллий куй-қўшиқлар янгради.

Президентлар Арк қўрғони яқинидаги Пойи Калон мажмуасида ҳам бўлдилар.

Бухоро заминининг ҳар қаричи тарих. Қадимий обидалар ажодларини

мизнинг буюк яратувчилилик даҳоси ва маънавий қудратидан сўзлайди. XII ва XVI асрлар оралиғида бунёд этилган Минораи Калон, Масжиди Калон ва Мир Араб мадрасаси ўзининг бетакрор меъморий ечими, маҳобати ва жозибаси билан ҳар қандай кишини мафтун этади.

Минораи Калон архитектуравий ечими бўйича дунёдаги кам сонли тарихий обидалардан биридир. У қарийб 900 йил давомида не-не талотўпларга гувоҳ бўлган. Халқимиз қудратининг ўлмас рамзи сифатида бугун ҳам барчани ҳайратга солаётир.

Мир Араб мадрасасида ўтганлар хотирасига Қуръон тиловат қилинди.

XVI асрда ташкил этилган Мир Араб мадрасасида фаолият юритаётган ўрта махсус ислом билим юрти ўз вақтида собиқ шўро давлати ҳудудидаги ягона ислом таълим муассасаси бўлган. Ҳозирги пайтда бу ерда ёшларимиз диний ва дунёвий билимларни, хорижий тилларни пухта ўзлаштирмоқда.

Олий мартабали муҳом Бухоро шаҳрининг тарихий қисмида зардушчилик, заргарлик, гиламдўзлик, каштачилик, кулалчилик маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди.

Бухоронинг тарихий ва меъморий обидалари, миллий ҳунармандлик маҳсулотлари туркиялик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шу билан Туркия Республикаси Президентини Режеп Таййип Эрдоғоннинг мамлакатимизга давлат ташрифи якунига етди.

Бухоро халқаро аэропортида олий мартабали муҳомни Президентимиз Шавкат Мирзиёев кузатиб қўйди.

Матназар ЭЛМУРОВОВ,
Эркин ЁДГОРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

Жорий йилнинг 1 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги ва "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ "Хукумат соати" ўтказилди. Таъкидлаш жоиз, мазкур амалиёт миллий парламент тарихида илк бор ташкил этилди.

ҲУКУМАТ СОАТИ: ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИ АМАЛДА

Депутатларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа аҳоли юзасидан олиб борган ўрганишлари ҳамда одамлардан келатган муносабатлардан келиб чиқиб, сиёсий партияларнинг қўйи палатадаги фракциялари таклифларига кўра "Хукумат соати"га Республика аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминлашида ҳамда ичимлик сувини тежамкорлик билан ишлатишда олиб борилаётган ишлар", шунингдек, "Аҳолини ва тиббиёт муассасаларини арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт бу-

юмлари билан таъминлаш, айниқса, жойларда ижтимоий дорихоналарни ташкил этиш ҳолатлари" тўғрисидаги масалалар киритилди.

Ушбу масалалар юзасидан депутатларга ахборот ва уларнинг саволларига атрофлича жавоб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари мутасадди раҳбарлари таклиф этилди.

Тадбир давомида хукумат вакиллари депутатлар томонидан қўйилган масалалар юзасидан маълумот бериб, уларнинг қўшимча саволларига батафсил жавоб қайтардилар.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 июлда "Хукумат соати" институтини жорий этиш ҳақида ўз тавсияларини берган эди, — дейди эксперт Ихтиёр Беков. — Қонунчилик палатасида "Хукумат соати"нинг ўтказилиши Ҳаракатлар

йўналишида ҳам муҳим аҳамиятга эга, — дейди эксперт Шоҳруҳбек Собиров. — Ушбу институт нафақат Олий Мажлисининг ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини таъминлашда ролини оширишга, балки бўлиб ўтган бугунги тадбирдаги каби сайловчиларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлади.

Тадбир сўнггида Қонунчилик палатаси кўмиталарига ушбу соҳалардаги амалдаги қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш тавсия этилди, шу билан бирга мазкур йўналишдаги ишлар юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН — ДУНЁДАГИ НУФУЗЛИ ВА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАН МАМЛАКАТ

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчилари Малайзияда замонавий давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ ислохотлари, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, туризм каби соҳалар бўйича малака оширмоқда.

Академия ва "Истеъдод" жамғармаси томонидан ташкил этилган ўқув машғулотида Малайзия миллий университети профессорлари Ўзбекистон ва Малайзия давлатлари ўртасида туризм соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг асосий омиллари ҳақида маърузалар ўқиди. ЎЗА мухбири улардан айримларининг Ўзбекистон ҳақидаги фикрлари билан келишди.

Ҳамзаҳ ЖУСОҲ, Малайзия миллий университети қошидаги ижтимоий тараққиёт ва экологик тадқиқотлар мактаби профессори:

— Ўзбекистон дунёдаги нуфузли ва жадал ривожланиб бораётган мамлакатлардан бири. Айниқса, мени давлатларимиз ўртасидаги муваффақиятлар ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланиб бораётгани қувонтирмоқда. Негаки, Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги имкониятлари жуда катта. Табиати, тарихий-меъморий обидалари, дунё таниган ва тан

олган олиму уламолари, қадимий қадамжолари, умуман, ҳар қандай киши томоша қилиб ҳузурланадиган масканлари кўп. Бу муқаддас юртдан Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Махмуд Замахшарий, Абу Райхон Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино сингари қомусий олимлар етишиб чиққан.

Ўзбекистон билан келгусидаги ҳамкорлигимизда асосий эътиборни туризмни янада ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашиш, сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш усулларини амалиётга жорий этишга қаратамиз. Чунки Малайзияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам сайёҳликни ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар мавжуд. Бу соҳани барқарор ривожлантириш мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда Малайзияда туризм инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзига хос ёндашув бугун туризмни мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутувчи ва энг кўп даромад келтирувчи тармоққа айланган. Айниқса, сайёҳларнинг эътиборини жотуризм, тиббиёт туризми, зиёрат туризми, архитектура туризми каби йўналишлар тортмоқда.

Биз туристик алоқаларни янада ривожлантириш тарафдоримиз. Бунда янги лойиҳаларнинг амалиётга жорий этилиши, ўйлаб-чиқариш, ҳар икки мамлакат учун фойдалидир.

Зарина ОТМАН, Малайзия миллий университети сиёсий ва хавфсиз тадқиқотлар маркази профессори:

— Мен Ўзбекистонлик тингловчиларга Малайзиянинг иқтисодий, ижтимоий ва сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш борасида маърузалар ўқийётганимдан ғоятда фахрланаман.

Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари, унинг бетакрор табиати, тарихий обидалари ҳақида тингловчилардан эшитдим. Юртингизда соҳанинг янги йўналишларини ривожлантиришга эътибор кучли. Шундай бўлса-да, ушбу соҳада янги ёндашув талаб қилинади. Туризм ривожланган мамлакатларнинг илгор тажрибаларидан фойдаланиш, йиллар давомида синодан ўтган усулларни амалиётга татбиқ этиш мазкур соҳани изчиллик билан ривожлантиришга имкон яратади.

Машғулотларда кўпроқ Малайзия тажрибаси ҳақида тингловчиларга маълумот бераётимиз. Бу эса келгусида Ўзбекистоннинг сайёҳлик борасидаги имкониятларидан тўлақонли фойдаланишга кўмаклашади. Ўз навбатида Ўзбекистондан ҳам ўрганишимиз керак бўлган жиҳатлар бор. Ушбу соҳадаги ҳамкорлигимиз юқори самара беришига ишонаман.

ЎЗА мухбири Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА ёзиб олди.

9 май — Хотира ва кадрлаш кунин

Навий вилоятида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига эҳтиром кўрсатиши, уларни рағбатлантиришга қаратилган тадбирлар ташкил этмоқда. Уларда партия дастурий мақсад-вазифаларига мос ва уйғун бўлган халқимизнинг маънавияти ривожини ва жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мурувват, меҳмондўстлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, бағрикенглик, яхшилик ва саховатпешалик, кексаларга ҳурмат кўрсатиши каби миллий қадриятларимиз кенг тарғиб қилинмоқда.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ



ЎЗМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов партия Навоий вилоят кенгаши фаоллари ҳамда Кармана туман ҳокими Фахриддин Умаров ҳамроҳлигида "Уйрот" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ялла бобо Равшанов хонадонига бўлди. Уч авлод учрашувида Ялла бобо йиғилганларга урушнинг оғир кунларини матонат билан енгиб ўтган ота-боболаримиз жасорати ҳақида сўзлаб берди. Ёшларга бугунги тинч-осойишта кунларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш лозимлигини ўқитди.

— Бугун юртимизда биз каби кекса авлод вакиллариغا кўрсатилаётган ҳурмат ва эҳтирдан жуда мамнунмиз, — дейди Ялла бобо Равшанов. — Уруш етказган талафотларни ҳали ҳамон эслам, сесканиб кетаман. Биз кўрган уруш даҳшатларини фарзандларимиз асло кўрмасин. Бугун юртимиздаги тинч-осуда ҳаётни, ривожланиш ва тараққиётни кўриб шукроналар айтаман. Бу кунларни кўзингизга суртинг, юрт тинчлиги, эл фаровонлиги, Ватан тараққиёти учун ўз ҳиссангизни қўшиб яшанг.

Партия фаоллари тумандаги Ўрмон маҳалласида истиқомат қилаётган 98 ёшли Пирназар ота Турдиев хонадонига ҳам бўлишди. Озод ва обод Ватанда эмин-эркин, дорилмомон кунлар гаштини суратган Пирназар ота йўқлаб келганларга ўз миннатдорчилигини билдирди ва уруш йиллари хотиралари ҳақида сўзлаб берди.

— 1941 йили айни 21 ёшимда фронтга кетиб, тўрт йил жангу жадаллар орасида юрдим, — дейди Пирназар ота. — 25 ёшимда урушдан қайтган,

қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилдим: арпа, буғдой, жўхори етиштириб, ҳар йили мўл ҳосил олиншига ҳисса қўшдим. Табелчилик қилдим. Сўнгра қурилиш бригадасида ишладим. Истиқлол йилларидаги ҳаётим эса умримнинг энг мазмунли даври бўлди. Давлатимизнинг кексаларга юксак эътибори ва ғамхўрлигидан, фарзандларимиз камолини кўраётганимиздан беҳад мамнунмиз. Маҳалладошлар доимо йўқлаб туришлар билан сўхбатлашиб, руҳим тетиклашади, куч-ғайратим ошади. Бизга эҳтиром ва эътибор кўрсатаётган инсонларнинг ўзлари ҳам улуг ёшларга кириб, доимо элимиз ардоғида бўлсин, юртимиздаги тинчлик-осойишталикка кўз тегмасин.

Учрашувада нуруний отахонларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармонида мувофиқ, давлатимиз раҳбари номидан 5 миллион сўм пул мукофоти ва ЎЗМТДП Навоий вилоят кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Хуришд ТОШЕВ, ЎЗМТДП Кармана туман кенгаши раиси:

— Инсон қадр-қимматини улуғлаш, хотирасини ёд этиш — халқимизга хос эзгу фазилатлардан. Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар замирида ҳам, аввало, инсон манфаатлари мужжас. Бу сана ҳар бир юртдошимизни, ўсиб келаётган ёш авлодни бугунги тинч-осуда кунлар, бахтли ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиб яшашга даъват этади. Бундай юзма-юз учрашув ва давра сўхбатлари навқирон авлоднинг ватанпарвар, фидойи, меҳнатсевар, ажодлардан фахрланиш, уларга муносиб воқис бўлиш руҳида тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Абдували БҮРИЕВ, ЎЗМТДП Навоий вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Назорат ва таҳлил

КУТУБХОНАЛАР — МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

АММО ҲУДУДЛАРДА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?


< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ушбу ҳарор иқросини ўрганиш мақсадида ҳамда партия дастурий вазифалардан келиб чиқиб, Бўка ва Оққўрғон туманидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини яқиндан ўргандик.

Бўка туманида 2006 йилга қадар туман марказлаштирилган кутубхонаси ва унинг жойларда 45 филиали, бундан ташқари, болалар кутубхонаси фаолият юритган экан. 2006 йилдаги Президент қарори билан туман марказлаштирилган кутубхонаси Ангрен давлат педагогика институтига, унинг филиаллари тумандаги касб-ҳунар коллежларига, болалар кутубхонаси туман халқ таълими бўлими тасарруфига ўтказилган. Бўка туман марказий кутубхонасининг 50-60 километр олисда жойлашган Ангрен шаҳридаги институт тасарруфига ўтказилиши мантқан нотўғри бўлган. Мазкур институт 2016 йилда тугатилгач, кутубхона Бўка тумани Бўстон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи тасарруфига ўтказилган. Бугунги кунда мазкур коллеж ахборот-ресурс маркази китоб фонди 12 минг 467 тани, шундан 9 мингдан зиёди рус тилидаги адабиётларни ташкил қилади. Марказга охириги етти йил давомида 300, 2017 йилда атиги 42 та бадиий китоб берилган, холос. Бу ерда бор-йўғи битта компьютер мавжуд, у ҳам эски, хизмат вази-фасини ўтаб бўлган, Интернет тармоғига уланмаган. Икки нафар ходим фаолият кўрсатадиган марказда фақат "Халқ сўзи" ва "Тошкент ҳақиқати" газеталари мавжуд, обуна учун маблағ ажратилмайди, канцелярия маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланмаган. Кутубхонанинг моддий-техник базаси етарли эмас, китоб жавонлари, шкаф, стол-стуллари эскирган. Бино таъмирталаб аҳволда.

Партия вакиллари Бўка туманидаги 1-умумтаълим мактаби қошидаги туман ахборот-ресурс маркази (собиқ болалар кутубхонаси) фаолиятини ўрганиш давомида унинг умумий китоб фонди атиги 3 минг 580 донани ташкил этиши маълум бўлди. Ваҳоланки, кутубхонада 8 та штат бирлиги мавжуд. Китобхоналар мингга яқин, шундан 100 нафарини ёши улуг китобхоналар ташкил қилади.

— Марказга 2017 йилда туман молия бўлими то-



монидан 10 миллион сўм маблағ ажратилган ва унга 833 донна китоб сотиб олинган эди, — дейди марказ раҳбари Вазира Умрзоқова. — 2006 йилги қарор доирасида 2 та компьютер берилган, аммо айни пайтда улар ҳам таъмирталаб ҳолда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2015 йилда 5 та шкаф, 2017 йилда битта компьютер ва 4 донна компьютер столи ва китобхоналар учун 10 та стол ва 20 та стул берилган. Кутубхона балансида бундан ташқари эски ёғочдан ясалган 26 та китоб жавони, 2 донна янги китоб жавони, телевизор, кондиционер мавжуд. Ҳозирда Интернет учун ўз ёнимдан маблағ тўлаб келяпман. Электрон китоблар атиги 47 донани ташкил қилади, 13 номдаги газета ва журнал бор, бироқ "Ёшлик", "Жаҳон адабиёти", "Тафаккур", "Шарқ юлдузи" журналлари обунаси учун маблағ ажратилмаган.

Ўрганишлар давомида Бўка туманидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятидаги бу каби камчилик ва муаммолар бошқа шаҳар ва туманларга ҳам хос экани маълум бўлди. Хусусан, Оққўрғон туманида 2006 йил 20 июнга қадар туман марказлаштирилган кутубхонаси ва унинг жойларда 43 та филиали ҳамда болалар кутубхонаси фаолият юритган. 2006 йилдаги Президент қароридан сўнг марказлаштирилган кутубхона Ангрен давлат педа-

гогика институтига, филиаллари эса касб-ҳунар коллежларига, болалар кутубхонаси туман халқ таълими бўлими тасарруфига ўтказилган. Институт тугатилгач, марказлаштирилган кутубхона Оққўрғон туман қишлоқ хўжалиги ва коммунал касб-ҳунар коллежи тасарруфига ўтган.

Бир вақтлар туман марказлаштирилган кутубхонаси бўлган мазкур ахборот-кутубхонанинг китоб фонди 16 минг 505 тани ташкил қилади.

— Ахборот-кутубхонамиздаги мавжуд китоб фондидан 13 минг 840 таси, яъни қарийб 84 фоиз рус тилида, 2 минг 665 таси ўзбек тилидаги адабиётлар, лотин алифбосига асосланган ўзбек тилидаги китоблар атиги 20 тани ташкил қилади, — дейди муассаса раҳбари Мастура Мирзакаримова. — Мавжуд бир донна компьютер талаба жавоб бермайди, Интернет тармоғига уланмаган. Китоб фондиди кўпайтириш мақсадида туман ҳокими ва турли идораларга мунтазам муносабат қиламиз, аммо натижа йўқ. Китоб фондиди яхшилаш учун ўз ёнимиздан йигирмадан зиёд китоб сотиб олганмиз. Ахборот кутубхонани реконструкция қилиш, китоб фондиди бойитиш зарур.

Дарҳақиқат, партия вакилларининг ҳудуддаги ўрганишлари давомида аниқланган камчилик ва муаммолар соҳада тизимли саъй-ҳаракатларни амалга оширишни тақозо этади. Айниқса, мамлакатимизда китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётган бир пайтда бундай муаммоларга ҳанузгача ечим топилмагани соҳа мутасаддилари билан бирга ЎЗМТДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Худудлардаги ахборот-кутубхоналар фаолиятини тубдан яхшилаш, уларнинг китоб фондиди янги адабиётлар билан бойитиш аҳолининг китоб мутолаасига бўлган инти-лиши ва қизиқишларини оширишга хизмат қилади.



Шухрат НАСИМОВ, ЎЗМТДП Тошкент вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони раҳбари:

— Партияимиз дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, ҳар иккала тумандаги партия ташкилотлари ва депутатларимиз билан биргаликда мавжуд ахборот-ресурс марказлари фаолиятини ўрганишимизда, 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъ-

минлашни ташкил этиш тўғрисида"ги Президент қарори ижросига доир ишлар талаб даражасида эмаслиги аниқланди. Яъни кутубхоналар ахборот-ресурс маркази сифатида ташкил этилганидан кейин бунинг учун етарли компьютер жамланмалари, электрон китоблар билан таъминланган бўлиши керак. Аммо бу борадаги таъминот ҳанузгача қониқарсиз аҳволда. Бундан ташқари, туман

марказий ахборот-кутубхоналари таълим масканларида жойлаштирилгани аҳолининг ундан фойдаланиш имкониятларини чеклайди. Ўрганиш натижалари таҳлил қилиниб, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши сессиясига киритиш режалаштирилган. Аммо бу борадаги муаммолар фақат бизнинг вилоятда эмас, балки барча ҳудудга хос эканлигини инобатга олиб, республикаимиздаги барча кутубхоналарни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирига тасарруфига қайтариш ёки Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тармоғида марказлаштириш лозим. Агар бу борадаги таклифларимиз амалга ошса, ахборот-ресурс марказларининг моддий-техник базасини кучайтиришда оқилона ечим топилган бўларди, назаримизда.

Нурбек ЙЎЛДОШЕВ, Мухтарам КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбирлари

Депутатлик назорати

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК

МУАММОЛАР ЕЧИМИДА ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТГА ЭГА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда. Уруш ва меҳнат фахрийлари — доимий эътиборда

Ёшлиқнинг навқирон чоғларини жанг-гоҳларда ўтказиб, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимиз учун курашган инсонлар жасорати биз учун намуна ва ибрат. Ана шу воқеалар, кечган оғир кунлар ёди бугун нафақат уруш қатнашчилари, балки бутун авлодлар хотирасидан ҳали ҳамон ўчгани йўқ. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, имони бутун ватандошларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди.

Ҳозирги кунда Андижон вилоятида 64 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси умргузаронлик қилмоқда. ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев ҳамда партия Андижон вилоят кенгаши раиси Ҳамиджон Омонов, "Ёшлар қаноти" фаоллари, "Айрилиш" маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари Андижон туманида истиқомат қилаётган Исоқжон Ибрагимов ҳолидан хабар олдилар. Пирю бадавлат отахон билан самийий суҳбат давомида парламент аъзоси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 16 апрелдаги "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, бугун Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига қўрсатилаётган эътибор хусусида гапирди. Отахон мазкур қарорга асосан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг истаклари асосида Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги "Ўзбекистон" ҳамда республика ҳудудидаги бошқа санаторийларга бир нафар қузатувчиси билан бирга бепул юбориш каби имкониятлар яратилганidan, умуман, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан ниҳоятда мамнунлигини изҳор қилди.

— 93 ёши қарашлаган Исоқжон ота суҳбат давомида Иккинчи жаҳон уруши келтирилган заҳарли қурбонлар, оловли жанггоҳлардаги кечинмаларини сўзлаб берди, дорилмомон кунларга шукрона келтирди, — дейди ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши матбуот котиби Сардорбек Даминов. — Бу эса ёшларни ватанпарвар, меҳнатсевар қилиб тарбиялаш, улар қалбида аждодларнинг Ватан озодлиги йўлидаги қаҳрамонликларидан фахрланиш, уларга муносиб ворис бўлиш туйғусини юксалтиришда беқиёс аҳамият касб этади.

Депутат Абдурашид Тўхтабоев ҳудуддаги фаолияти давомида аҳоли вакиллари билан ҳам юзма-юз мулоқот қилиб, мавжуд масала ва муаммоларга ечим топиш чораларини кўрди.

Касбда талай муаммо жойида ҳал этилди

ЎзМТДП фракцияси аъзолари Ўрол Ҳайитов ва Дилфуза Жалилова халқ билан мулоқот қилиш ва ҳудудлардаги аҳолини яқиндан ўрганиш мақсадида Қашқадарё вилоятининг Қасби туманида бўлди. Ўрол Ҳайитов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ вакиллари туманининг Қамаш қишлоғидаги "Хўжаки", "Мушқоки", "Нуробод" маҳалла фуқаролар йиғинлари ва Талишбе қишлоғида бўлиб, бу ерда суғориш ва ичимлик суви борасида муаммолар мавжудлигига гувоҳ бўлди. Мазкур масалалар тегишли мутасаддилар билан муҳокама қилиниб, уларни туман "Йўл харитаси"га киритишга келишиб олинди. Шунингдек, ҳудуддаги намунали уйларда яшовчи аҳоли вакиллари трансформаторга эҳтиёж борлигини айтишди. Тўртинчи сектор раҳбари Шарофиддин Алибоев бу масалада кўрилаётган чоралар тўғрисида аҳолига батафсил маълумот берди.

Фуқаролар билан мулоқот чоғида кўтарилган бандлик, йўл, ижтимоий ёрдам ва газ борасидаги муаммолар юзасидан тегишли ташкилотларга мурожаатлар киритилиши режалаштирилди.

Парламент аъзоси Қамаш қишлоғида маданият ва аҳоли дам олиш масканларини қуриш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш борасидаги дастур билан танишди. Ташландиқ ҳолга келиб қолган қишлоқ "Маданият уйи"ни капитал тавмирлаш ва фойдаланишга топшириш 2019 йилга режалаштирилгани ҳақидаги хабар аҳоли кайфиятига кўтаринкилик улашди.

Учрашувлар жараёнида қатор таълим муассасаларида ташкил этилган тўғарақлар фаолияти яқиндан ўрганилди. Депутат турли йўналишларда билим ва кўникмаларни эгаллаётган ёшлар билан мулоқот қилиб, уларнинг орзу-уйларини



билан қизиқди.

Депутат Дилфуза Жалилова "Қоратепа", "Муғлон", "Тинчлик", "Таллиюлғун" ва "Пандирон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди аҳолиси билан мулоқот қилди, мавжуд муаммолар билан танишди. У дастлаб "Қоратепа" МФЙ ҳудудидаги 27-умумтаълим мактабида бўлиб, муассаса фаолиятини ўрганди. 600 ўринга мўлжалланган мазкур мактабда айни пайтда 2 сменада дарс ўтилаётгани бир қатор ноқулайликлар туғдираётгани ҳамда спорт зали ва зарур ўқув қуролларига эҳтиёж борлиги аниқланди. Муаммо бўйича туман ҳокимлиги ва вилоят халқ таълими бошқармасига депутатлик сўрови билан мурожаат қилинадиган бўлди.

"Муғлон" МФЙ ҳудудидаги 1-умумтаълим мактабида бўлган депутат мазкур таълим муассасасини реконструкция қилиш ишлари 2017 йилги ҳудудини ободонлаштириш дастурига киритилиб, таъмирлаш ишларини Қарши шаҳридаги "Arena Kom" фирмаси ўз зиммасига олган, лекин амалий иш пайсалга солинаётгани борасида муаммо мавжудлигига гувоҳ бўлди. Парламент аъзоси масалани ҳал этиш юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборилишини билдирди ҳамда аҳолига ушбу ҳудуднинг "Обод қишлоқ" дастурига киритилгани, амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил маълумот берди.

Шундан сўнг депутат "Пандирон" ва "Таллиюлғун" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 26, 30 ва 37-умумтаълим мактаблари ҳамда 24-мактабча таълим муассасасида бўлди. 30-умумтаълим мактаби ўқитувчилари ва Таллиюлғун қишлоғи аҳолиси билан учрашув чоғида улар мактаб биносининг талабга жавоб бермаслиги, болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун зал мавжуд эмаслиги юзасидан мурожаат қилди. Бу борада соҳага масъул ташкилотлар билан келишилган ҳолда, мактабни таъмирлаш масаласи 2019 йилги давлат дастурига киритилишида амалий ёрдам бериладиган бўлди.

Шунингдек, Дилфуза Жалилова Қасби туман ҳокими Нормўмин Холбоев билан биргаликда Таллиюлғун қишлоғидаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган фуқаролар ва ногиронлар ҳолидан хабар олди. Наврўз Бердиев хонадониди бўлишиганди, фуқаро 21 ёшли ўғли Феруз Лутфуллаев 2-гуруҳ ногирони эканлигини билдирди. Унга ногиронлик аравачаси зарур, аммо хонадон соҳиблари шу вақтга қадар бу масала бўйича бирор жойга мурожаат қилмаган экан. Парламент аъзоси ва туман ҳокими унинг муаммосини яқиндан ўрганиб, шу куннинг эртасига ферузани мен ўз қарамоғимга олганман. Набираларимни елғиз катта қилдим, турмуш ташвишлари билан бўлиб ўз соғлиғимга эътибор қарата олмадим. Оқибатда, нафас йўлларим шомоллаб, бронхит астама йўлиқдим. Даволашнига ҳаракат қилдим. Афсуски, натижа бўлмади. Шу боис марказий шифохоналарда имтиёзли равишда даволанишимга амалий ёрдам кўрсатилишини сўрайман.

Депутат ушбу мурожаатни ўрганиб чиқиб, амалий кўмак берадиган бўлди. Учрашувда Зухра Сувонова тиббиёт коллежини тамомлагани, лекин узок йиллардан буён иш топишда муаммоларга дуч келаётганлигини билдирди. Ушбу мурожаат депутатлик назоратига олиниб, фуқарога тез кунларда туман тиббиёт бирлашмасидан ўз мутахассислиги бўйича иш топишда кўмак бериладиган бўлди. Сайёр қабулда депутат ўттизга яқин мурожаатни тинглади. Аксарият масалалар шу жойнинг ўзида туман мутасаддилари билан ҳамкорликда ҳал қилинган бўлса, қолганлари депутатлик назоратига олинди.

Депутат аралашувидан сўнг "Микрокредитбанк" кредит берди

Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида бўлган ЎзМТДП аъзоси Азамат Пардаев ҳудуддаги муаммоларни жойига чиқиб ўрганди. Аҳолининг муаммоларини эшитиш ва уларга ечим топиш мақсадида сайёр қабул ўтказди. Жумладан, туманнинг Ислоҳ шоир, Алишер Навоий номидаги ҳамда "Оқтош" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан бўлган учрашувларда аҳолининг муаммоларини тингланиб, уларнинг аксарияти шу жойнинг ўзида ҳал этилди. Мурожаатларнинг

асосий қисми бандлик, кредит, уй-жой, тоза ичимлик суви ва ички йўللار масалаларига оид бўлди.

"Оқтош" маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган сайёр қабулда фуқаролар нафақат ўзларини қийнаётган муаммолар, балки маҳалла ва туман ҳаётига дахлдор масалалар юзасидан ҳам мурожаат қилдилар.

— Ҳовлимиздаги томорқада иссиқхона ташкил қилиш мақсадида тумандаги бир неча банкга кредит сўраб бордим. Лекин ҳаракатларим бесамар кетди. Шу масалани ҳал қилишда амалий кўмак берилишини сўрайман, — дея мурожаат этди "Оқтош" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи фуқаро Шерзод Шопўлатов.

Депутат аралашуви билан ОАТБ "Микрокредитбанк" Нарпай туман филиали бошқарувчиси Акбар Муродқобилов мазкур мурожаатни шу жойнинг ўзида ижобий ҳал қилди.

Алишер Навоий номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаро Қизмон Эгамбердиева ушбу маҳаллада ичимлик суви учун асосий қувур тортилганлиги, аммо улар орқали келаётган иссиқхонага яроқсизлигини айтиб, мазкур муаммони ҳал қилишда амалий ёрдам сўради. Унинг айтишича, ичимлик сувида туз микдори жуда кўп, бу эса инсонлар соғлиғига салбий таъсир айтиши мумкин. Муаммо ечимини топиш учун туман санитария-эпидемиология назорати марказининг лаборатория таҳлилларини олиш мақсадида



депутатлик сўрови юбориладиган бўлди.

— Тўрт фарзанднинг онасиман, бир ўғлим оиласидан ажрашган, — дейди фуқаро Махбуба Холмуродова. — Айни пайтда ўғлим Россияга кўчиб кетган, ушарда оила қуриб яшамоқда. Унинг икки фарзандини мен ўз қарамоғимга олганман. Набираларимни елғиз катта қилдим, турмуш ташвишлари билан бўлиб ўз соғлиғимга эътибор қарата олмадим. Оқибатда, нафас йўлларим шомоллаб, бронхит астама йўлиқдим. Даволашнига ҳаракат қилдим. Афсуски, натижа бўлмади. Шу боис марказий шифохоналарда имтиёзли равишда даволанишимга амалий ёрдам кўрсатилишини сўрайман.

Депутат ушбу мурожаатни ўрганиб чиқиб, амалий кўмак берадиган бўлди. Учрашувда Зухра Сувонова тиббиёт коллежини тамомлагани, лекин узок йиллардан буён иш топишда муаммоларга дуч келаётганлигини билдирди. Ушбу мурожаат депутатлик назоратига олиниб, фуқарога тез кунларда туман тиббиёт бирлашмасидан ўз мутахассислиги бўйича иш топишда кўмак бериладиган бўлди.

Сайёр қабулда депутат ўттизга яқин мурожаатни тинглади. Аксарият масалалар шу жойнинг ўзида туман мутасаддилари билан ҳамкорликда ҳал қилинган бўлса, қолганлари депутатлик назоратига олинди.

Ўрганишлар юзасидан аниқ вазифалар белгиланди

Парламент аъзолари Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги фаолияти давомида туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даража-

сини янада яхшилаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, таълим, тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар чоғида уларни қийнаётган муаммолар ўрганилди.

Тумандаги ўрганишлар якуни халқ депутатлари Пахтачи туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида муҳокама этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов иштирок этди.

Сессияда туманда аҳолига тиббий-санитария хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг аҳоли тўғрисида ЎзМТДП фракцияси аъзоси Азамат Пардаев ахборот берди. Қайд этилганидек, тумандаги тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш бўйича кенг қўлмалли ишлар амалга оширилган ва ижобий натижаларга эришилган. Бироқ, соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бирга, айрим масалалар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда. Хусусан, патронаж хизматида самарали фойдаланган ҳолда аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришга талаб даражасида эътибор қаратилмапти. Инсон саломатлиги билан бевосита боғлиқ бўлган ободонлаштириш, чиқиндиларни олиб чиқиш ва қайта ишлаш, туман санитария ҳолатини яхшилаш борасида ҳам камчиликлар мавжуд. Тумандаги бозор ва савдо мажмуалари, оқватланиш шахобчаларида санитария қоидаларига тўлиқ риоя этилмапти.

Сессияда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолига қулай шарт-шароит яратиш, соҳалар ривожини таъминлаш ҳамда фуқароларни ташвишга солаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган тақдирлар ўртага ташланди. Билдирилган фикр-мулоҳаза ва тақдирлар асосида сессия қарори қабул қилиниб, унга кўра туман фаоллари билан мутасадди ташкилотлар раҳбарлари олдига мавжуд камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни бугунги кун талаблари

асосида ривожлантириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Аҳоли муаммолари ўрганилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Козим Тожиев Зарафшон шаҳри аҳолиси билан учрашиб, фуқаролар билдирган фикр ва тақдирлар, мавжуд муаммоларни атрофлича ўрганди, ҳудуддаги ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг ижроси, фуқаролар манфаатларининг рўёбга чиқарилиши билан яқиндан танишди.

Депутат таълим муассасалари, шаҳар "Баркамол авлод" маркази, маҳаллалар, аҳоли хонадонларида бўлиб, мавжуд муаммоларни ўрганиш баробарида уларни ҳал этиш чораларини кўрди, юртимизда яратилган имконият ва қулайликлар тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, халқ вакиллари "Обод қишлоқ" дастури доирасида "Дағустов" маҳалла фуқаролар йиғинида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Шаҳардаги 13-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида ташкил этилган учрашувда аҳоли ўзларини қийнаётган муаммолар юзасидан мурожаат қилди. Долзарб ижтимоий муаммоларга тегишли соҳа вакиллари иштирокида ечим топилиб, амалий чоралар белгиланди.

Учрашувда 12-кичик туман 55-уйда

истиқомат қилувчи Ойдин Эргашева ўғли Мансур Эргашевни мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш масаласида оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар чоғида уларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал қилиш имконига эга бўлмоқда. ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" вакиллари ушбу лойиҳа доирасида вилоятдаги ўрганишлари натижасида иш йилининг бугунига қадар 20 дан ортиқ катта-кичик масалага ечим топди. Бунда, айниқса, партия Термиз шаҳар, Музработ, Ангор ва Шеробод туман кенгашилари етакчилик қилмоқда.

"Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Лола Фармонова тиббиёт коллежини тугатган, аммо ҳалигача ишсиз. Депутат билан мулоқот чоғида фуқаронинг бандлик борасидаги мурожаати ижобий ечим топди — у шаҳар тиббиёт бирлашмасига ишга жойлаштирилган бўлди.

Бир сўз билан айтганда, депутат Козим Тожиевнинг ҳудуддаги ўрганишлари давомида ўттизга яқин муаммоли вазифаларга оид ишлар аҳолининг ташвиши билан яқиндан танишди. Маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ҳар бир фуқаронинг мурожаатини қонуний асосда ҳал этиш имкониятларини яратиш хусусида келишиб олинди.

Халқ манфаати — устувор вазифа

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шерзод Раҳимов Тошлоқ туманида амалга оширилаётган ишларнинг аҳолининг яшаш шароити билан яқиндан танишди. Фуқароларнинг юртимизда олиб борилаётган ишларга аҳолининг қўллаб-қувватлаши билан яқиндан танишди. Мурожаат қилувчи ҳар бир фуқаронинг арзи, фикри тингланиб, уларни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича масалага дахлдор ташкилот, идора ва корхоналар раҳбарлари иштирокида зарур чоралар кўрилди.

Сарвиноз Меликулова 18 йилдан буён ногиронлик нафақаси тайинланганига эриша олмаётган экан. Масалага аниқлик киритиш мақсадида Жарқўрғон туман тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилинди. Шифокор Салим Бозоров вазият билан танишиб, Сарвинознинг 4 ой узлуксиз даволаниши кераклигини таъкидлади. Беморга Жарқўрғон туман тиббиёт бирлашмасида даволаниш учун йўланма берилиб, ногиронлик нафақаси тайинланганидан бўлди. 18 йиллик масалага ечим топган Сарвиноз ва унинг отаси ЎзМТДП вакилларида миннатдор.

— ЎзМТДПда анъанага айланиб бораётган "Уйма-уй" лойиҳаси востисига хонадонлардаги кўлаб муаммоларга ечим топилмоқда, — дейди ЎзМТДП вилоят кенгаши ёшлар масалалари бўйича етакчи мутахассис Азиз Машрабов. — Хусусан, Шеробод, Шўрчи, Музработ ва Ангор туманлари ҳамда Термиз шаҳрида бир қатор уюшмаган ёшлар иш билан таъминланди. Бу бизга ҳудудлардаги эътибордан четда қолиб келаётган муаммоларни бартараф этиш имконини бермоқда. Агар ҳамкорликда ва тизимли иш олиб борилса, ҳар қандай масалани ҳал этиш мумкин. Бунда маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз билан биргаликда иш олиб бораётганимиз ўз самарасини бераётди. Масалан, Термиз шаҳридаги Фарход маҳалласида халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Дилбар Нормуродова билан бир кун давомида 7 амалий иш бажарилди. Агар шу маромда иш олиб борсақ, фуқаролар кейинги сайловларда партиямиздан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлашлари шубҳасиз. Зеро, халқ ишончи ҳар бир депутат ва сиёсий партия учун қафолат вазифасини бажаради.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Шаҳзод Худойбердиевнинг айтишича, "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида Шўрчи туманидаги Зарбод маҳалласида маҳалла раиси билан бирга хонадонларга кириб, аҳолининг яшаш шароити ва муаммолари билан танишилган. Ўрганишлар давомида қатор муаммоларга ечим топилди. Хусусан, фуқаро Бобоҳон Чориевнинг уч фарзанди бўлгани ҳолда ҳеч қерда ишламаётган экан. Туман ободонлаштириш бошқармаси унга иш тақдир қилди, яна бир оила ишга бўлди.

— ЎзМТДПнинг "Уйма-уй" лойиҳаси барча даражадаги партия ташкилотлари вакиллари халқнинг ичига кириб бориб, жойлардаги мавжуд ҳолатни ўрганиши ва муаммоларга ўз вақтида ечим топишда асос бўлмоқда, — дейди Шаҳзод Худойбердиев. — Аҳолининг реал муаммоларини ўрганиб, имкон қадар уларни жойида ҳал этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бироқ бу ишлар натижаларидан хали тўла қониқиш ҳосил қилганимиз йўқ, ўзим сайланган ҳудуд ёшлар, ёши улуғ нурунийлар билан суҳбатлашиб, улар биздан кўп нарса кутишганини билиш мумкин. Сайловчилар ишончини мустаҳкамлаш учун хали кўп ишлашимиз, бу борада ЎзМТДП ташкилотлари билан янада самарали ҳамкорликни йўлга қўйишимиз лозим.

"Уйма-уй" лойиҳаси доирасидаги амалий ишлар жойларда ўз ечимини кутаётган масала ва муаммоларнинг жойида ечим топиши ва аҳолининг партия ва депутатларга бўлган ишончи юксалишига хизмат қилмоқда.

Наргиза ШАЙДУЛЛАЕВА, ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

"Уйма-уй" лойиҳаси — амалда

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Уйма-уй" лойиҳаси асосида партия вакиллари, депутатлар фуқароларнинг яшаш шароитлари ва ҳудудлардаги долзарб муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал қилиш имконига эга бўлмоқда. ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" вакиллари ушбу лойиҳа доирасида вилоятдаги ўрганишлари натижасида иш йилининг бугунига қадар 20 дан ортиқ катта-кичик масалага ечим топди. Бунда, айниқса, партия Термиз шаҳар, Музработ, Ангор ва Шеробод туман кенгашилари етакчилик қилмоқда.

ЎРГАНИШЛАР НАТИЖА БЕРМОҚДА БУНДА ДЕПУТАТ ВА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ҲАМКОРЛИГИ МУҲИМ ОМИЛ БЎЛАЁТИР

Партия вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ташкил этган ўрганишларнинг навбатдагиси Жарқўрғон туманида бўлди. Лойиҳа доирасида туманининг Қора янтоқ маҳалласида истиқомат қилувчи аҳолининг муаммолари ва оилавий шароити билан яқиндан танишилди. Мурожаат қилувчи ҳар бир фуқаронинг арзи, фикри тингланиб, уларни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича масалага дахлдор ташкилот, идора ва корхоналар раҳбарлари иштирокида зарур чоралар кўрилди.

Сарвиноз Меликулова 18 йилдан буён ногиронлик нафақаси тайинланганига эриша олмаётган экан. Масалага аниқлик киритиш мақсадида Жарқўрғон туман тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилинди. Шифокор Салим Бозоров вазият билан танишиб, Сарвинознинг 4 ой узлуксиз даволаниши кераклигини таъкидлади. Беморга Жарқўрғон туман тиббиёт бирлашмасида даволаниш учун йўланма берилиб, ногиронлик нафақаси тайинланганидан бўлди. 18 йиллик масалага ечим топган Сарвиноз ва унинг отаси ЎзМТДП вакилларида миннатдор.

— ЎзМТДПда анъанага айланиб бораётган "Уйма-уй" лойиҳаси востисига хонадонлардаги кўлаб муаммоларга ечим топилмоқда, — дейди ЎзМТДП вилоят кенгаши ёшлар масалалари бўйича етакчи мутахассис Азиз Машрабов. — Хусусан, Шеробод, Шўрчи, Музработ ва Ангор туманлари ҳамда Термиз шаҳрида бир қатор уюшмаган ёшлар иш билан таъминланди. Бу бизга ҳудудлардаги эътибордан четда қолиб келаётган муаммоларни бартараф этиш имконини бермоқда. Агар ҳамкорликда ва тизимли иш олиб борилса, ҳар қандай масалани ҳал этиш мумкин. Бунда маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз билан биргаликда иш олиб бораётганимиз ўз самарасини бераётди. Масалан, Термиз шаҳридаги Фарход маҳалласида халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Дилбар Нормуродова билан бир кун давомида 7 амалий иш бажарилди. Агар шу маромда иш олиб борсақ, фуқаролар кейинги сайловларда партиямиздан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлашлари шубҳасиз. Зеро, халқ ишончи ҳар бир депутат ва сиёсий партия учун қафолат вазифасини бажаради.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Шаҳзод Худойбердиевнинг айтишича, "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида Шўрчи туманидаги Зарбод маҳалласида маҳалла раиси билан бирга хонадонларга кириб, аҳолининг яшаш шароити ва муаммолари билан танишилган. Ўрганишлар давомида қатор муаммоларга ечим топилди. Хусусан, фуқаро Бобоҳон Чориевнинг уч фарзанди бўлгани ҳолда ҳеч қерда ишламаётган экан. Туман ободонлаштириш бошқармаси унга иш тақдир қилди, яна бир оила ишга бўлди.

— ЎзМТДПнинг "Уйма-уй" лойиҳаси барча даражадаги партия ташкилотлари вакиллари халқнинг ичига кириб бориб, жойлардаги мавжуд ҳолатни ўрганиши ва муаммоларга ўз вақтида ечим топишда асос бўлмоқда, — дейди Шаҳзод Худойбердиев. — Аҳолининг реал муаммоларини ўрганиб, имкон қадар уларни жойида ҳал этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бироқ бу ишлар натижаларидан хали тўла қониқиш ҳосил қилганимиз йўқ, ўзим сайланган ҳудуд ёшлар, ёши улуғ нурунийлар билан суҳбатлашиб, улар биздан кўп нарса кутишганини билиш мумкин. Сайловчилар ишончини мустаҳкамлаш учун хали кўп ишлашимиз, бу борада ЎзМТДП ташкилотлари билан янада самарали ҳамкорликни йўлга қўйишимиз лозим.

"Уйма-уй" лойиҳаси доирасидаги амалий ишлар жойларда ўз ечимини кутаётган масала ва муаммоларнинг жойида ечим топиши ва аҳолининг партия ва депутатларга бўлган ишончи юксалишига хизмат қилмоқда.

Депутат сўрови — халқ сўрови

ЖАВОБСИЗ ҚОЛГАН 17 СЎРОВ

ЎХУД ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИНГ МУРОЖААТИГА БЕПИСАНД МУНОСАБАТ ХУСУСИДА

«Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Халқ депутатлари Фарғона вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида фаолият кўрсатаётган партиянинг вакиллари ҳам 2018 йилнинг ўтган биринчи чораги давомида ўз ваколатидан тўлақонли ва унумли фойдаланган ҳолда худудлардаги мавжуд масала-муаммоларни халқ этишига алоҳида эътибор қаратдилар. Жумладан, ҳисобот даврида маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари қонун ва ҳуқуқ қарорларининг жойлардаги ижроси ҳамда фуқаролардан келиб тушган муурожаатлар асосида 134 депутатлик сўровини амалга оширди. Мазкур сўровлар натижасида вилоят ҳудудидаги қатор муаммолар бартараф этилди, аҳолини қийнаб келаётган, бир неча йиллардан буён ўз ечимини кутаётган масалалар халқ қилинди.

— Бугун аҳоли орасига кириб бориш ва уларнинг ишончини қозонишда депутатларимизнинг аниқ мақсадга йўналтирилган натижалли фаолияти муҳим ўрин тутди, — дейди ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши девон раҳбари Равшан Отабоев. — Бу борада маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз шун йилнинг ўтган давридаги фаолияти давомида ўз ваколатлари доирасида муайян ишларни амалга оширдилар. Биргина депутатлик сўрови воситасида жойлардаги коммунал, тиббиёт, таълим, спорт ва ижтимоий соҳаларга оид қатор масалалар ечимига қўмаклашилди. Маҳаллий Кенгашлардаги вакилларимизнинг депутатлик сўрови институтидан самарали фойдаланиш борасидаги фаолияти худудлар кесимида қиёсий таҳлил қилинадиган бўлса, халқ депутатлари Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарлари, Қува, Данғара, Бешарик туманлар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари депутатлик сўровларини амалга оширишда фаоллик кўрсатдилар. Аммо Бағдод, Олтиариқ, Фурқат, Сўх ва Қўштепа туманлари Кенгашидаги айрим депутатлар бу борадаги ваколатларидан унумли фойдалана олмади. Айниқса, ўтган давр мобайнида турли ташкилот ва корхоналар раҳбарларига юборилган 134 депутатлик сўровининг 17 тасига жавоб қайтарилмагани таассуфлидир. Хатто айрим мутасаддиларга қайта-қайта муурожаат қилинишига қарамай, депутатларимизнинг сўровларига масъулиятсизлик, беписандлик билан ёндашилди.

Дарҳақиқат, халқ вакилларининг одамларнинг муаммоларига ечим топиш мақсадида юборган сўровларига айрим мутасаддиларнинг бепарво қараётгани ҳали ҳамон давом этмоқда. Аслида депутат кўтарётган муаммо тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарлари масъулиятидаги соҳа ёхуд вазифага дахлдор. Улар депутат аралашувисиз ҳам ўзи масъул бўлган соҳа ва йўналишлардаги масалаларни халқ этишига эътибор қаратиши керак эмасми? Аммо айрим калондиомоғ мансабдорлар мавжуд муаммоли ҳолатларга на ўзи эътибор қаратади, на депутатларнинг бу борадаги саяё-ҳаракатларини инобатга олади.

Президентимиз 2017 йил 12 июлда парламент ва сиёсий партиялар вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида депутатларнинг сўрови — бу халқ сўрови эканлигини таъкидлаганди. Хусусан, «Депутатга беписандлик — халққа беписандлик деб баҳолашни шарт. Халқни ҳурмат қилмаган, депутатлик ваколатини амалга оширишга тўқтинлик қилган ҳар қандай мансабдор шахс қонун олдида жавоб беради. Шу сабабдан ҳам депутатлик сўровини кўриб чиқмагани ёки унга жавоб бермагани, кўриш муддатини бузгани учун жавобгарлигини кучайтириш лозим», деган эди.

Дарҳақиқат, халқ вакили бўлган депутатнинг саяё-ҳаракатлари инсон манфаати, одамларнинг муаммоларини халқ қилишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади. Шундай экан, унинг сўрови ҳам халқ сўрови сифатида мансабдор шахдан масъулиятли ёндашуви талаб этади. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, қонуннинг мавқеи унинг амал қилинишига боғлиқ. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8-моддасига асосан, депутат тегишли худудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масала юзасидан баён қилиш талаби билан депутатлик сўрови юборишга ҳақли. Қолаверса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутат сўровига жавобни сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юбориши лозим. Демак, ўз ишига совуққонлик билан қараётган, халқ вакиллари кўтариб чиқаётган долзарб масалалар ечимига етарли даражада аҳамият бермаётган айрим бепарқ, лоқайда мутасаддилар нафақат одамлар манфаатини унутиб қўймоқда, балки депутатларнинг ҳақ-ҳуқуқларини писанд қилмай, қонун бузилишига ҳам сабабчи бўлаётган.

Мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини бўйича тегишли ташкилотларга юборилган, бироқ жавобсиз қолган депутатлик сўровларининг мавжудлиги дахлдор ташкилотлар раҳбарларидан иш услубини тубдан ўзгартириш, бу борадаги камчиликларни бартараф этишни тақозо этади. Зеро, ушбу муурожаатлар турли мазмунда, аммо барчаси вилоят аҳолисини анчадан бери ташвишлантираётган муаммолардир.

Аниқ мисолларга ўтсак. Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати Муҳаммадали Юсупов 2018 йил 22 январь куни «Агробанк»нинг Фурқат тумани филиали бошлиғига Фурқат тумани Эшон қишлоғида яшовчи тadbirkор Бехзод Субҳоновнинг муурожаати асосида сўров юборган. Унда Бехзод Субҳоновга тadbirkорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадида кредит ажратиб бериш масаласи ўз ифодасини топган. Аммо ҳали ҳануз мазкур сўровга жавоб қайтарилмади. Дарвоқе, сўров матнида депутат сўровига қанча муддатда жавоб қайтариши лозимлиги, ўз вақтида жавоб қайтарилмаганда қонун бузилишига йўл қўйилиши ва жавобгарлик белгиланганлиги эслатма тариқасида кўрсатиб ўтилган.

Яна бир мисол, халқ депутатлари Учқўприк туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Хожирахон Абдусаматованинг 2018 йил 12 мартда «Водийгазтаъминот» унитар корхонаси туман филиали бошлиғига юборган сўровига ҳам жавоб берилмади. Мазкур депутатлик сўровида тумандаги Сарикўрғон қишлоғидаги шошилинч тез тиббий ёрдам шохобчаси биносини газ билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш сўралган. Аҳолига нуқулайлик туғдирган ушбу долзарб муаммо юзасидан қайта-қайта муурожаат қилинишига қарамай, сўров бепиётибор қолдирилди...

Бир сўз билан айтганда, адолат ва қонунийлик — халқ ва мамлакат хотиржамлигининг асоси. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан асосий мақсад ҳам тинчлик ва фаровонлиқни мустаҳкамлаш, одамларни, халқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборат. Модомики шундай бўлган, айрим лоқайд мутасаддилар депутатлик сўровида кўтарилаётган ҳар қандай масала ортида, энг аввало, инсон тақдирини, унинг манфаатини турганини ҳамма ёдда тутмоғи, масъулиятчи ҳис этиши лозим. Шундагина депутатларнинг саяё-ҳаракатлари ҳам самарали бўлиши, ҳам халқнинг давлат идоралари ва депутатларга бўлган ишончи ортади.

Муроджон ҚҮЛДОШЕВ, ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши ижрочи котиби, Муҳтарома КОМИЛОВА, «Milliy tiklanish» мухбири

Муурожаатлар ижобий хал қилинмоқда

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Наманган вилоятидаги ташкилотлари партия қабулхоналари ҳамда жойларда ўтказилган сайёр қабулларда одамлар дардини тинглаш, озиришни енгил қилиш, фуқароларнинг ҳар бир муурожаатини ижобий хал этишига алоҳида эътибор қаратмоқда.

АҲОЛИ ТАЛАБ ВА ЭҲТИЁЖИ — ЭНГ МУҲИМ МАСАЛА

— Фаолиятимиз давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини атрофлича ўрганиб, уларни баҳоли қудрат ўз муддатида халқ этишига ҳаракат қилинмоқда, — дейди ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Ғайратжон Тўйчибоев. — Жорий йилнинг биринчи чорагида партиянинг вилоят, туман ва шаҳар ташкилотлари қабулхоналарига фуқаролардан келиб тушган 86 муурожаатнинг 18 таси жойида халқ қилинган, 36 муурожаат юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилган, қолганлари бўйича ҳуқуқий тушунча ва маслаҳатлар берилган. Партия ташкилотларимиз ташкил этаётган сайёр қабулларда аҳоли вакилларининг қатор муурожаатларини халқ этиш чоралари кўрилмоқда.

Партия қабулхоналарига келган ва жойлардаги сайёр учрашувларда кўтарилган муурожаатларга назар ташласак, улар асосан, бандлик, коммунал хўжалиги, уй-жой қуриш учун ер ажратиш, иш ҳақи, пенсия ва болалар нафақаси, банк кредити ажратиш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари, кичик бизнесни ривожлантириш масалаларидан иборат эканлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Норин туманида бўлиб ўтган сайёр қабулда «Катта Ўлмас» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Умида Шоумарова шу худудда жойлашган 12-умумтаълим мактабиде тўғарақлар ташкил этиш ҳамда ўқув мактабининг спорт залини янгиллаш зарурлигини айтди. Мазкур масалани ЎзМТДП Норин тумани кенгаши раиси Мансурбек Мадиёров атрофлича ўрганиб чиқди. Маълум бўлишича, айни пайтда мактаб биносининг ҳозирги ҳолати ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда асосан қолийбол, футбол каби спорт турлари бўйича тўғарақлар ишлаб турибди. Мактаб жорий йилдаги

таъмирлаш дастурига киритилган. Ўқув йили ниҳоясига етгач, унда капитал реконструкция ишлари бошланади. Табиийки, спорт залида ҳам шарт-шароитлар яхшиланади. — Ешим 42 да, тўрт фарзандим бор, вақтинча ишсиз юрган эдим, — дейди Мингбулоқ туманидаги Меҳнатобод маҳалласида истиқомат қилувчи Зиёда Ортиқова. — Ишга жойлашиш учун тегишли идораларга учрадим, аммо фой-

пунктини жорий таъмирлаш учун 300 миллион сўм, унинг тез тиббий ёрдам шохобчасини ташкил этиш учун эса 32 миллион сўм маблағ ажратилди. Ҳар бир муурожаат ортида инсон тақдирини туради. Чунинчи, юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлардан кўзланган мақсад ҳам инсон манфаатларини таъминлашдир. Бу жараёнда партия ташкилотлари

даси бўлмади. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси туман кенгаши сайёр қабул ўтказишидан хабар топиб, унда партия вакилларига ўз муаммоини айтдим. Депутат Шерзод Йўлдошев ва туман партия ташкилоти раиси Исролжон Йўлдошевнинг саяё-ҳаракатлари натижасида туман хўжалик ҳисобидаги асаб касалликларини даволаш шифохонасига ҳамшира бўлиб ишга кирдим. Бундан жуда мамнунман.

Тўрақўрғон туманининг Дуқат маҳалласи Обод кўчаси 35-уйда яшовчи 67 ёшли меҳнат фахрийси Қодир Солиевнинг туман партия ташкилотига муурожаатида қайд этилишича, маҳалла худудидаги аксарият трансформаторлар эскириб кетган. Бунинг натижасида электр таъминотида тез-тез узилишлар рўй берапти. Мазкур муаммонинг ўрганган ЎзМТДП Тўрақўрғон тумани кенгаши раиси Абдураҳман Эргашев туман электр таъминоти корхонаси раҳбари Асрор Дадамирзаевга муурожаат қилди. Айни кунларда мутасадди ташкилот томонидан ушбу муаммонинг бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда.

— Наманган туманидаги Қорақўл ва Тўсар маҳаллаларида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар худудда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати талаб даражасида эмаслигидан арз қилиб, туман партия ташкилотига муурожаат этган эди, — дейди ЎзМТДП Наманган туман кенгаши раиси Ҳасанбой Холиқов. — Долзарб аҳамиятга эга ушбу муурожаатни ўрганган халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари «Қорақўл» қишлоқ врачлик пунктида ҳақиқатан ҳам шарт-шароитларни яхшилаш зарурияти борлигини аниқлади. Депутатлар ташаббуси билан давлат бюджетидан қишлоқ врачлик

кичик бизнес ва тadbirkорлик борасидаги гоё ҳамда ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишбилармонлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, ЎзМТДП Янгиқўрғон туман кенгаши Гаистон маҳалласида яшовчи фуқаро Зафаржон Нормирзаевнинг фойдаланилмаётган ер майдонидан тadbirkорлик учун жой ажратилиши юзасидан муурожаатини ижобий халқ этди. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Аъзамжон Жўраев ва туман партия ташкилоти раиси Элшодбек Қорабоевнинг саяё-ҳаракати натижасида туман ҳокимлиги томонидан тadbirkорга сунъий қолламали футбол майдончаси ҳамда савдо-маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини қуриш учун 18 сотих ер майдони ажратилади бўлди.

Дарҳақиқат, инсонларнинг дарду ташвишлари билан яшайдиган партия фаоллари ва депутатлар кўмағида аҳолини кўпдан буён қийнаб келаётган ташвишлар бартараф этилмоқда. Бу эса, инсон манфаатларини таъминлаш ва одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларига қаратилган амалий ишлар, энг аввало, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган, барча идора ва ташкилотларда жорий этилган юридик ва жисмоний шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизими ўз самарасини бераётганидан ёрқин далолат. Хусусан, ЎзМТДП ташкилотларида ҳам жорий этилган бундай механизм юртдошларимизда бутундан шукроналик ва эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамламоқда.

Оқилхон ДАДАБОВЕВ, «Milliy tiklanish» мухбири

Ёшлар акцияси

Тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросимизни асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни ёши авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг устувор мақсад-вазифаларидан биридир. Бу, йиғит-қизларда миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарга ҳурмат ҳиссини юксалтиришда катта аҳамиятга эга.

«ЮРТИМ ТАРИХИНИ ЎРГАНАМАН»

ШИОРИ ОСТИДА ЁШЛАР АКЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ



Мазкур дастурий мақсадларни амалга ошириш мақсадида ЎзМТДП Пайарик туман кенгаши ташаббуси билан Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасида «Юртим тарихини ўрганаман» шиори остида «Тарихдан садо берувчи обод гўшалар» акцияси ташкил этилди. Тадбирда партия туман кенгаши «Ёшлар қаноти» фаоллари, ўқувчи ёшлар

— Акция доирасида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари нафақат қадимжон кўркамлигини таъминлашга, балки партияимиз сайловоти Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросини таъминлаш, хусусан, ёшларимизга маданий меросимизни асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш бурчимиз

эканлигини яна бир қарра англитишга хизмат қилади, — дейди партиянинг Пайарик туман кенгаши раиси Маъруф Дўстбеков. — Ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий номи билан аталувчи зиёратгоҳда ўтказилган ушбу

ёшлар акциясини вилоятимизда амалга оширилаётган ободонлаштириш ва кўчаларнинг яшилдириш ишларининг узвий давоми дейиш мумкин. Тадбир аввалида ёшларга мазкур тарихий обида ҳақида кенг маълумот берилди. Шундан сўнг қадимжон ҳовлисида ҳашар уюштирилди: дарактлар ости юмшатилаб, уларга шакл берилди, гул ва мевали дарахт кўчатлари экилди.

Партия фаолларидан иборат бир гуруҳ ёшлар бу хайрли ва савобли ишда фаол қатнашди. Улар нафақат мазкур зиёратгоҳ атрофи, балки унга ёндош кўча ва ариқларни тозалаш ишларига ҳам муносиб ҳисса қўшди. *** Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Шароф Рашидов туман кенгаши «Ёшлар қаноти» туманидаги Аҳтам ота (Оқтош ота) зиёратгоҳида ҳам «Юртим тарихини ўрганаман» шиори остида «Тарихдан садо берувчи обод гўшалар» акциясини ташкил этди. Унда партия ходимлари, депутатлар, «Ятанглик» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

— Туманимиз худудида бир қатор маданий мерос объектлари, муқаддас қадимжон ва зиёратгоҳлар мавжуд, аммо улар тўғрисида, таассуфки, ҳоризий сайёҳлар туғул, маҳаллий аҳоли ҳам етарлича маъ-

лумотга эга эмас, — дейди ЎзМТДП Шароф Рашидов туман кенгаши раиси Дурдона Абдуалиева. — Марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда асосан кўзга кўринган

тарихий обидалар, муқаддас қадимжон ва зиёратгоҳлар тўғрисида маълумотлар берилмади. Биз партия фаоллари мазкур ёшлар акцияси доирасида чекка-чекка худудлардаги объектларни ҳам ободонлаштиришга, уларнинг тарихини ўрганиб, жамоатчиликка кенг тарғиб этишга эътибор қаратяпмиз. Бу каби амалий ишлар юртдошларимизда ўз худудидаги тарихий масканлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш ҳамда қизиқиши орттиришга хизмат қилади. Туманимизнинг чекка худудида, «Ятанглик» маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган Аҳтам ота зиёратгоҳида амалга оширилган ободонлаштириш ишларида ҳам ана шундай мақсад муважасман. Акция доирасида иштирокчиларга Аҳтам ота зиёратгоҳи ҳақида маълумот берилди, зиёратгоҳ худуди ободонлаштирилди.

Улуғбек МУСТАФОЕВ, ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши етакчи мутахассиси, Ойдин АЛИМАРДОНОВА, «Milliy tiklanish» мухбири

Очик мулоқот

ҚАШҚАДАРЁНИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ

УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНА ОЛАЙМИЗМИ?

Ватанимизга келаётган сайёҳлар оқимини кенгайтириш, улар учун мавжуд шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омилдир. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси сайловоти Платформасида мамлакатимизда туризмни ривожлантиришни илтимосий соҳадаги устувор вазифа сифатида белгиланган.

Қашқадарё вилояти ахборот-кутубхона марказида партиянинг вилоят кенгаши ташаббуси билан «Мамлакат иқтисодийнинг стратегик тармоғи: туризмнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш йўллари» мавзусида ўтказилган очик мулоқот худудининг туризм салоҳияти истиқбол масалалари муҳокамасига бағишланди. Унда партия фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ёшлар ва журналистлар иштирок этди.

Очик мулоқотда таъкидланганидек, Шаҳрисабз шаҳри бугун кўркам ва гўзал қиёфага кирган. Қадим шаҳарининг миллийлик ва замонавийлик билан уйғунлиги айни пайтда кўпгина сайёҳларни ўзига жалб этиш имкониятини тобора кенгайтирмоқда. Мулоқот давомида Соҳибқирон Амир Темур туғилиб ўсган Яқабот туманининг Хўжайилор қишлоғида олиб борилаётган қатор лойиҳа ва амалий ишлар тadbirkорчиликларининг диққат марказида бўлди.

Хўжайилор қишлоғи минг йиллик тарихга эга бўлиб, бу ердан XI асрга оид ёдгорликлар ва ўша даврга оид ёзувли тошлар топилган. Қишлоқнинг 10 гектардан ортиқ

қисмида яқин вақт ичида кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борилиши, бу ерда йирик масжид ва темирйўлнинг даврга оид музей ташкил этилиши, бу эса ўз навбатида, зиёрат туризмини ривожлантиришда муҳим омил бўлиши борасида фикр-мулоҳазалар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Очик мулоқотда змон талабларидан келиб чиққан ҳолда туристик маршрутларни йўлга қўйиш, шу асосда зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш асосий вазифалардан саналиши айтиб ўтилди.

Айни пайтда вилоятда 1 минг 311 маданий мерос объекти мавжуд. Шулардан 1 минг 41 археология, 200 архитектура объектлари, 43 хайкал ва 27 диққатга сазовор маскан худудининг бой туристик салоҳиятини намоён қилади. 2018 йил бошидан буён ЎзМТДП туман, шаҳар кенгашлари ушбу маданий мерос объектларининг 200 дан ортиғида ўрганиш ишларини олиб борган. Улар фотосуратга олиниб, мавжуд муаммо ва камчиликлар борасида тегишли ташкилотларга сўров ва муурожаатномалар юборилган.

Партия гуруҳлари Қарши халқаро аэропорти, «Ўзтемир-йўлйўловчи» АЖ Қашқадарё вилоят филиали, худуддаги марказий йўллар, боҳжона назорат ва чегара постлари, экскурсия объектларининг бугунги ҳолати, уларда сайёҳлар учун яратилган шарт-шароит ва қўлайликларни ўрганиш. Бу жараёнда, вилоятда реклама таъминоти ва совға маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сайёҳлар хавфсизлиги ва уларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳолати танқидий таҳлил қилинаётгани худудда туризм салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Очик мулоқотда олиб борилган ўрганишлар юзасидан амалий натижаларга эришиш, уларда аниқланган камчиликларни бартараф этишни назоратга олиш, бунда, албатта,

вилоятдаги маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ролинини ошириш лозимлиги таъкидланди.

— Вилоятимизда сайёҳликнинг барча турини ташкил этиш ва ривожлантириш имкони мавжуд, — дейди ЎзМТДП вилоят кенгаши девон раҳбари Тўйғун Дўстқобилов. — Масалан, Миришкор тумани худудидаги Сечанкўлнинг табиати соф, иқлими мўътадил. Бу ерда қайиқда сайр ва балиқ овллаш, қушларни кузатиш, Авазқўл кенглири буйлаб от ва туяда сайр қилиш ҳар қандай киши учун ҳам завқли, ҳам қизиқарли. Айни пайтда бу ерда экотуризмни йўлга қўйиш мақсадида қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Муборак туманининг чўл худудида туяда сайрнинг йўлга қўйилиши сайёҳларга ўзгача завқ улашади, Қамаш туманидаги Лангар ота зиёратгоҳи, Китоб туманининг Ҳазрати Башир зиёратгоҳи ва унинг атрофидаги қадимжолар ҳам истиқболли саёҳат манзили тоифасига кириди. Мазкур худудларда сайёҳликнинг барча турини кенг ривожлантириш имконияти мавжуд. Фақат бундан самарали фойдаланиш, сервис хизматини янада кучайтириш лозим.

Очик мулоқотда бу йўналишда ўрганишлар жараёнида кузатиш камчиликлар, амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилиб, зарур тақлим ва тавсиялар билдирилди. Вилоятнинг бой туристик имкониятларидан самарали фойдаланиш, сайёҳларга замонавий хизматлар кўрсатиш ишларини такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Ақбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ, ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши бош мутахассиси

Муносабат

ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бу ҳақда сўз борганда, ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихи узоқ асрларга бориб тақалишини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистон 1991 йилда давлат мустақиллигига эришгач, бу қадимий дўстона алоқалар тубдан янги босқичга кўтарилди ва ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорликнинг барча, шу жумладан, парламентлараро йўналишларини қамраб олди.

Кейинги йилларда давлатларимиз раҳбарларининг сиёсий иродаси, азму шижоати ва қатъияти тўғрисида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини тубдан ривожлантириш борасида янги саҳифа очилди. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 25-26 октябрь кунлари Туркияга давлат ташири мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада юксак даражага олиб чиқди.

Мазкур ташир чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган эди. Жаҳонда кузатилаётган тезкор ўзгаришлар ва тараққиётга ҳамоҳанг ривожланишни таъминлаш, парламентиимизнинг Туркия парламенти билан алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида ўшанда "Ўзбекистон — Туркия" парламентлараро дўстлик гуруҳига ҳам асос солинди.

Бугунги кунда икки мамлакатнинг олий вакиллик органлари ўртасида алоқалар фаол ривожланмоқда. Парламентлараро алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани, албатта, ўзаро муносабатларимизнинг янада кенгайишига хизмат қилмоқда. Биргина мисол: жорий йил 5 март кунги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида Туркия парламентининг "Туркия — Ўзбекистон" парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Хайдар Али Йилдиз бошчилигидаги Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси делегацияси билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Туркия парламенти делегациясининг мамлакатимизга ташири ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи билан Туркия Республикаси Буюк миллат мажлисининг "Туркия — Ўзбекистон" парламентлараро дўстлик гуруҳининг илк қўшма мажлиси ўтказилди. Музокара якунида улар ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича 2018 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси, яъни "Йўл харитаси" имзоланди.

Шу ўринда Туркия Республикаси фуқаролари учун виза тартиби соддалаштирилгани халқларимиз ўртасидаги азалий қардошлик ва дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамламоқда, десак, бу ҳам айна ҳақиқатдир. Тадбиркорлик ва сайёҳлик мақсадида Ўзбекистонга келаётган турк биродарларимиз таъбири билан айтганда, "ота юрт"ни зиёрат қилган қардошларимизнинг хурсандчилиги бизни ҳам мамнун этмоқда. Ўз навбатида, Туркия Президентини бу борада жуда мақбул қарор қабул қилгани учун Ўзбекистон Президентига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Туркия Республикаси билан барча соҳалардаги ҳамкорлик, жумладан, парламентлараро муносабатларнинг ривожлантирилиши Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев эътироф этганидек, Президент Режеп Таййип Эрдоғоннинг Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги қардошлик ва стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшаётган улкан ҳиссаси эътиборга сазовордир.

Миллий парламент минбаридан сўзлаган нутқда Туркия Президентини Режеп Таййип Эрдоғон икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада яқинлаштиришга асосланганидан мамнун эканини қайд этди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг оқилона сиёсатига юксак баҳо берди. Ҳаракатлар стратегияси асосида Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ислохотларни қўллаб-қувватлашни билдирди.

Ҳақиқатан ҳам, халқларимиз кўп асрлик тарихи, тили, дини, қадриятлари ва муштарак урф-одатлари билан бир-бирига чамбарчас боғланган. Бугунги кунда жадал ривожланиб бораётган маданий-гуманитар алоқалар ҳам Ўзбекистон — Туркия муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади. 2016 йил июнь ойида Анкарада Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Турк санъат усталарининг Самарқандда ўтказилиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этиши, Туркия давлат телерадиокомпанияси (ТРТ) Ўзбекистонда ўтказилаётган расмий тантаналарни хорижий мамлакатларга ретрансляция қилиши аънаёнага айланди.

Туркия Президенти ўтган йили 25 октябрда, Анкарада Ўзбекистон Президенти билан ўзаро музокаралардан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил этилган учрашув пайтида атоқли ўзбек шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси муаллифи Абдулла Орипов шеърларидан намуна ўқиб бериб, бизларни ҳам қувонтирган, ҳам ҳайратга солган эди. Бу гал олий мартабада меҳмон севимли шоирларимиз Абдулмуҳамид Чўлпон ва Эркин Воҳидов ижодида муружаат қилиб, ўзбек шеърининг содиқ мухлиси сифатида бизни яна бир бор қўйил қолдирди.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга дўст ва ҳамкор мамлакат бўлган Туркияда қандай севиб ўқилса, Ўзбекистонда ҳам шундай юксак ҳурмат ва эъзоз топган, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бокирғоний, Занги ота Химматий, Бобораҳим Машраб каби улуғ аждодларимиз қачонда турадиган ўзбек турк сўфий шоири Юнус Эмро ҳазратларининг ушбу шеърини сатрларини келтирмоқчимиз:

**Менинг тилим қуш тилидур,
Менинг қўлим дўст қўлидур.
Мен булбулман, дўст зўлимдур.
Билинг, гулим сўлмас менинг.**

Шундай қилиб, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғон музокаралар якунида имзоланган Қўшма баёнот кенг қўламли стратегик ҳамкорлигимизни янги, янада юксак босқичга кўтаришга қаратилган бўлиб, ўз мазмун-моҳияти билан катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатларимиз ҳукуматлари, вазирилик ва идоралари ўртасида иқтисодий, савдо-сотиқ, транспорт-логистика, sanoat, илм-фан, таълим, туризм ва бошқа соҳаларга доир 24 та ҳужжат имзоланди. Пойтахтимизда ўтказилган Бизнес-форум доирасида умумий қиймати 3 миллиард долларга тенг 50 дан ортиқ янги инвестициявий қўшма лоийҳани амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Яна бир муҳим йўналиш — Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ислом цивилизацияси маркази инфратузилмаларини ривожлантириш ва уларнинг фаолиятини шакллантиришда туркиялик қардошлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Ҳар иккала давлат раҳбарлари маърифий ва бағрикенг ислом динини тарғиб этиш, унинг асл инсонпарварлик моҳиятини бутун жаҳон жамоатчилигига етказиш борасида ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар. Зеро, ислом дини доимо эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Президентининг ўтган йили Туркияга олий даражадаги ташири чоғида имзоланган Қўшма баёнот ўзаро ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига олиб чиқишда энг муҳим ҳужжат вазифасини ўтаётган бўлса, Туркия Президентининг мамлакатимизга давлат ташири асносида икки давлат раҳбарлари раислигида Стратегик шериклик олий кенгаши тузиш бўйича келишувга эришилди. Мамлакатимиз раҳбари қайд этганидек, Ўзбекистон — Туркия давлат раҳбарларининг олий даражадаги навбатдаги музокаралари натижалари халқларимиз манфаатига хизмат қилаётган эзу ишлар суръатини янада оширишга қаратилгандир.

**Акmal САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Демократик институтлар,
нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органлари қўмитаси раиси,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси**



Робота

Шу йил 13 март кунини қабул қилинган "Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиши ва тарғиб қилиши тўғрисида"ги Президент қарорини кенг адабий жамоатчилик, икки халқ вакиллари зўр қувонч билан қарши олди. Бу, албатта, юртимизда нафақат адабиётга қаратилаётган, балки қўшни, қон-қардош халқ ва унинг маданияти ҳамда санъатига бўлган юксак эътиборнинг ёрқин намунаси. Ҳўш, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида қандай ишларни амалга оширмоқда? Бугунги ўзбек-қозоқ адабий алоқалари қай даражада?

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари **Ғайрат МАЖИД** билан суҳбатимиз ана шу саволлар теграсида кечди.



— Адабиётни Нух алайҳиссаломнинг кемасига ўхшатиш мумкин: у инсониятни жаҳолатдан омон сақлаб, маънавият, маърифат манзиллигига етказди, — дейди Ғайрат Мажд. — Шу маънода адибу шоир қайси миллатга мансуб бўлмасин, унинг мақсади бани башарга холис хизмат қилиш бўлиши керак. Шу қулғу мақсад улкан тўғру қайси ижодкор қалбда яшаса, у барча учун севибли бўлади.

Нега Навоийни севиб ўқиймиз? Уни бошқа миллат вакиллари ҳам нима учун катта ҳурмат ва иштиёқ билан мутолаа қилади? Мавлоно Жомий, Ҳазрати Фузулий, Гарсиа Лорка, Стендаль, Александр Пушкин, Жек Лондон, Сергей Есенин, Ўрхон Помуқ, Чингиз Айтматов, Абай Қўнонбоев каби адабиёт аталмиш мухташам оламнинг сўнмас сиймолари нега барча элу халққа бирдек тегишли? Ўқувчи асар мутоласига киришган пайт унинг миллати ҳақида ўйламайди. Чунки ундан олинган ибрат, ҳаётбахш ўғит муҳим.

Айни шу маънода, давлатимиз раҳбарининг "Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиши ва тарғиб қилиш тўғрисида"ги қарори ижод аҳлини беҳад қувонтиргани табиий. Бу шодликдан халқимиз ҳам насибадор. Ушбу қарор қабул қилиниши арафасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги факулдда ва мухтор элчиси Ерик Утембаев билан ўзбек адиблари учрашуви бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев ташаббуслари ва амалий ишлари тимсолида ўзбек ва қозоқ халқларининг ҳамдўстлик алоқалари ривожидида янги давр бошлангани алоҳида таъкидланди. Ўзаро адабий алоқаларни янада ривожлантириш, адиб ва таржимонларнинг ижодий ҳамкорлигини кучайтириш, икки халқнинг мумтоз ва ҳозирги замона адабиёти намуналарини ҳар икки тилга таржима қилиш масалалари ҳақида фикр алмашилди.

Тили, дини, келиб чиқиш тарихи бир бўлган ўзбек ва қозоқ халқларининг маданий-адабий алоқалари Навоий ва Абай каби мутафаккир шоирлар ижодий мероси, Ойбек ва Мухтор Аvezов, Миртемир ва Абдулла Тожиев, Абдулла Орипов ва Ўлжас Сулаймоновнинг жонажон дўстлиги ва қадрдонлиги билан мустаҳкам боғланганини, бугунги глобаллашув замонида бу дўстликнинг янада ривож топиши халқларимиз фаровонлиги ва олам тинчлиги учун ниҳоятда муҳим эканини асло унутмаслик керак.

Бугун мамлакатимизда миллатлараро тинчлик ва тотувликни, пухта ўйланган ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсат амалга оширилишини таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар қўрилганлиги натижасида қўшни давлатлар билан ишончли муносабатлар йўлга қўйилди. Марказий Осиё худудидида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш учун кулай шароитлар яратилди.

2018 йил Қозоғистонда "Ўзбекистон йили" деб эълон қилиниб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари иштирокида бу улкан тарихий сана тантанали равишда ўчилгани, шу муносабат билан ўзбек маданияти, санъати ва адабиётини тарғиб этишга катта эътибор қаратилгани ҳар икки халқ қалбига улкан қувонч бағишлаганига бутун дунё ғувоҳ бўлди. Президентимизнинг "Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиши ва тарғиб қилиш тўғрисида"ги қарори эса икки қардош халқ ўртасидаги ришталарни янада мустаҳкамлашни шубҳасиз.

Қарор эълон қилинганидан кўп вақт ўтмай Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиши ва тарғиб қилишни

ташқил қилиш бўйича ташкилий қўмита ййғилиши бўлиб ўтди. Келгусида бажарилиши лозим бўлган ишлар режалаштирилди.

— Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиши ва тарғиб қилиш борасида келгусида қандай ишлар амалга оширилиши режалаштирилган?

— Абайнинг ижоди халқона ҳикматларга бой ҳамда халқ жонли тилида жозибали ифодалангани билан бошқа туркий халқлар қатори ўзбек китобхонларининг ҳам эътиборини тезда жалб этади. Ўзбекистон халқ шоири Миртемир "Кўз устига, қош устига" номли мақоласида: "улуғ Алишерга қўл берган Абай Қўнонбой ўғли, ўз навбатида, қозоқ ёзма адабиётининг бобоси, қозоқ халқининг даҳо фарзанди, улуғ шоири, асл ўғли даражасига кўтарилди", — деб ёзган. Миртемир домланинг тўрт жиллик асаридан ўрин олган Абай ҳақидаги шеърда ўзбек ижодкорининг қозоқ халқининг улуғ шоирига меҳри ва эҳтиромни ифодаланган:

**Олатов чўққисига кўнгандай
ота бургут,
Олмаота ўртасида турибди у барҳайет.
Гўё ҳамон элиа сўйлар ҳикмат ва ўғит,
Ҳамон ўланлар тўқиб, ўқимокда
ўлмас зот...**

Бугун Тошкентдаги энг катта шоҳқўчалардан бирига Абай номи берилган. Абай кўчасининг Алишер Навоий кўчасига туташганида ҳам теран рамзий маъно бор. Улуғ шоирлар элларни элларга бирлаштиради, дилларни дилларга туташтиради. 2013 йили Тошкентда Қозоғистон элчихонасининг янги биноси олдида Абайнинг мухташам ҳайкали бунёд этилди.

Абайшун олимларнинг таъкидлашича, шоир асарлари ўтган асрнинг 20-йиллари



бошидан бошлаб Ўзбекистонда чоп этила бошланган. Аввал газета-журналларда шеърларидан намуналар ўзбек тилида, шу билан биргаликда 1922 йилда Тошкентда шеърлар тўплами қозоқ тилида нашр этилган.

1945 йилда Қозоғистонда Абай таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланиб, ушбу тантанали тадбирда Ойбек, Ғафур Ғулум, Миртемир, Абдурахмон Саъдий, Ҳодир Зариф ва бошқа ижодкорлар иштирок этган.

Улуғ қозоқ оқини таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан ЮНЕСКО қарорига кўра 1995 йил — Абай йили, деб эълон қилинди. Ушбу улуғ айём бизнинг она диёримизда ҳам кенг нишонланди. Тошкентда Абай шеърлари, достонлари ва "Қора сўз" номли рисоласини ўз ичига олган катта китоб нашр этилди. Китоб дебосчасида устоз адиб ва таржимон Носир Фозиловнинг "Қозоқ адабиётининг фахри" сарлавҳали мақоласида ўзбек зиёлиларининг қозоқ халқи ва унинг адабиётига бўлган меҳри акс этган. Уйғун ва Миртемир домладан бошланган Абай асарларини ўзбек тилига таржима қилиш аънаъасини Раззоқ Абдурашидов, Носир Фозилов, Ғулум Шоди, Абдулла Рустамов, Мухаммад Али, Музаффар Аҳмад каби шоирлар давом эттирди. Ўз ўрнида, бугунги ёш ижодкорлар ҳам Абай асарларини теран ўрганмоқда.

Президент қароридан келиб чиқадиган ва зифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон

Ёзувчилар уюшмаси томонидан янги таржималар амалга оширилиб, Абай Қўнонбоевнинг "Сайланма" китоби, "Абай ва ўзбек адабиёти" номли мақолалар тўплами нашрга тайёрланмоқда.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидида "Абай ва ўзбек адабиёти" доимий окпозициясини ташкил этиш ишлари

"ҲАМОН ЎЛАНЛАР ТЎҚИБ, ЎҚИМОҚДА ЎЛМАС ЗОТ..."

бошлаб юборилди. Ҳар йили шоир туғилган 10 август санасида Тошкент шаҳрида ўрнатилган Абай Қўнонбоев ҳайкали пойига гул қўйиш маросими ва мушоира ўтказиш режалаштирилди. Қардош халқлар дўстлиги ва адабий алоқалар ривожидида муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу қулғу санани тантанали равишда нишонлашга тарадду қўрилаётган. Ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида "Абай асарларининг билимдонини" иншолар кўрик-танлови эълон қилинмоқда. Оммавий ахборот воситаларида Абай Қўнонбоев ҳаёти ва ижоди ҳақида туркум кўрсатув ва эшиттиришлар, мақолалар мунтазам равишда бериб берилмоқда. Абай Қўнонбоев ҳаёти ва ижоди ҳақида яратилган бадиий ва ҳужжатли фильмларни Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси телеканаллари орқали намойиш этиш йўлга қўйилди. Мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар бошлаб юборилди.

— Президентимизнинг мазкур қарори ўз навбатида азалдан қардош бўлган икки халқ маданий алоқалари мустаҳкамлашида ҳам муҳим рол ўйнайди. Шундай эмасми?

— Албатта, адабиёт элчидан ҳам кучли, чунки, элчи элларнинг сўзини элларга етказса, адабиёт дилларнинг тўғуси, меҳри ва муҳаббатини дилларга олиб киради, адиблар эса, ўз халқининг бадиий тафаккури билан бошқа халқнинг билими, фикри, онггу шуурини бойитади. Адабий алоқаларнинг ривожланиши маданият, дўстлик ва тотувликнинг мустаҳкамлашига асос бўлади. Шу маънода Президентимизнинг қарори замирида теран ҳикмат ва оламшумул фалсафа мужассам. Яқин келажакда қозоқ адабиётининг мумтоз намоёндаларини ҳамда ҳозирги замон ижодкорлари асарларини ўзбек тилига таржима қилиш, шу билан биргаликда ўзбек адабиётининг энг яхши намуналарини, асосан, Алишер Навоий асарларини қозоқ тилида нашр этиш режалаштирилган. Ўзбек ва қозоқ ёзувчилари ўртасидаги алоқа ва ижодий ҳамкорликни янада кучайтириш ижод аҳлининг эзгу ниятларидан биридир.

Устоз Носир Фозиловнинг "Топдимۇ йўқотмадим" номли хотиралар, воқеий ҳикоялар тўпламида ўзбек ва қозоқ адиблари, шоирларининг адабий алоқалари, дўстона муносабатлари ҳақида ибратли воқеалар ҳикоя қилинган. Ғафур Ғулум ва Мухтор Аvezов, Ойбек ва Собит Муқонов каби улуғ адиблар ҳаётидаги қизиқарли, шу билан биргаликда икки халқ дўстлиги тарихида унутилмас хотирага айланган воқеалар мутолааси бугунги ёш авлод учун ҳам ибрат, ҳам намуна бўлиши, шубҳасиз.

Китобнинг бир ўрнида Олатов этакларидаги Медеу деб аталган сўлим гўшадаги шарқироқ сой ичидаги улкан харсантгани Собит Муқонов Ойбек доғлага совға қилгани ва ўша тоғша Собит она сантарош устага буюриб: "Бул жумир тасди баурим Муса Айбекка сийға тартам. Сабит МУҚАН улъ. 3. VI. 1962 жыл", деб ёздириб қўйгани воқеаси замирида ҳам улкан ибрат ва маъно мужассам. Айни пайтда бу икки адабининг муносабатлари нақадар беғубор ва самимий эканидан ҳайратга тушасиз.

Биз устозларнинг ана шундай ижодий ҳамкорлик ва дўстлик аънаъаларини муносабатимиз давом эттиришимиз, маълум бир муддат узилиб қолган алоқаларни тиклашимиз керак. Бу йўлда бизга ўзбек-қозоқ адабий алоқалари тарихидаги муҳим ва ибратли ҳодисалар, таржима китоблар, устозлар битган рисодалар дастуриламал бўлади. Ўзбек китобхонлари ҳозирги қозоқ адабиёти янгиликларидан доимо хабардор бўлиб туриши, қозоқ тилида битилган энг яхши асарларни она тилимизга таржима қилишимиз лозим. Бунинг учун эса ёшлар орасида таржимонларнинг янги авлодини тарбиялашимиз зарур. Зеро, давлатимиз раҳбарининг бугунги саъй-ҳаракатлари замирида ҳам ана шундай мақсад-муддао мужассам.

**"Milliy tiklanish" мухбири
Ислонжон ҚўЧҚОРОВ суҳбатлашди.**

Фестиваль

БОЙСУН — МОДДИЙ ВА НОМОДДИЙ МАДАНИЯТ БЕШИГИ

Пурвиқор тоғлар бағридаги мўъжизакор Бойсун нафақат ўзгал табиати, балки қадим тарихи, ўзига хос халқ амалии санъати ва оғзаки ижоди намуналари билан ҳам маълум ва машҳур. Шу боис Бойсун ЮНЕСКО томонидан 2001 йил "Инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналари" сифатида эътироф этилди. 2008 йилда Инсониятнинг номоддий маданияти мероси репрезентатив рўйхатида киритилди, уни муҳофаза этиш тадбирлари белги-ланди. "Бойсун баҳори" фестивали айна шу мақсадда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган.



Фестиваль доирасида намойиш қилинган Термиз давлат университети олимларининг этнографик тадқиқотлари акс этган кўргазма, талабаларнинг ижодий ишла-

ри, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзолари томонидан ўтказилган ранг-баранг акциялар, Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази талабаларининг миллий халқ ўйинлари ва рақслари байрам иштирокчиларида илиқ таассурот қолдирди. Бойсун осмони узра парвоз қилган улкан ҳаво шарлари эса йиғилганларнинг ҳайратини оширди. Фестивалнинг иккинчи саҳнасида эса воҳада фаолият юритаётган халқ бадийи жамоаларининг чиқишлари намойиш қилинди. Юртимизнинг турли ҳудудларидан келган бахшиларнинг айтишувлари кенгликлар узра жаранг сочди.

28-29-апрель кунлари Бойсун туманининг тоғлар этагидаги Паданг қишлоғи фестивал иштирокчилари ва меҳмонларини яна ўз бағрига чорлади. Алпомиш достонида таърифланган "минг уйли Бойсун-Кўнғирот эли"нинг ўтовлари тикланган яланглиқда фестивалнинг асосий тантаналари бўлиб ўтди. Бош саҳнада вилоятлардан келган фольклор-этнографик жамоалар ўз санъатини намойиш этди, бир томонда миллий кураш мусобақаси ўтказилди, бошқа томонда дорбозларнинг чиқишлари, тош кўтариш, арқон тортиш, варрак учуриш, хўроз ва қўчқор уриштириш каби халқ ўйинлари ташкил этилди.

Бойсунлик ҳунармандлар ўзларининг қадимий услубда яратган алифи, жанда, олача матолари ва улардан тикланган кийимлар, ғажари номли гиламларини намойиш қилишган бўлса, қўли гул ошпазлар эса турли хил миллий ва баҳорий таомларни шу эрининг ўзида тайёрлаб, меҳмонларга улашди. Шунингдек, қадимийлик ва замонавийлик уйғунлигидаги миллий либослар кўргазмаси, ёш rassomлар ва дизайнерларнинг ишлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Бундан 16 йил аввал асос солинган "Бойсун баҳори" фестивали Бойсун мўъжизаларини ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлганлар учун кенг имконият яратди. Утган йилдан бошлаб мазкур фестивал қайта ташкил этилди, унинг юқори савияда ўтказилиши учун Сурхондарё вилояти ҳокимлиги барча ташкилий чора-тадбирларни кўрди.

28-29-апрель кунлари Бойсун туманининг тоғлар этагидаги Паданг қишлоғи фестивал иштирокчилари ва меҳмонларини яна ўз бағрига чорлади. Алпомиш достонида таърифланган "минг уйли Бойсун-Кўнғирот эли"нинг ўтовлари тикланган яланглиқда фестивалнинг асосий тантаналари бўлиб ўтди. Бош саҳнада вилоятлардан келган фольклор-этнографик жамоалар ўз санъатини намойиш этди, бир томонда миллий кураш мусобақаси ўтказилди, бошқа томонда дорбозларнинг чиқишлари, тош кўтариш, арқон тортиш, варрак учуриш, хўроз ва қўчқор уриштириш каби халқ ўйинлари ташкил этилди.

автомашинасини қўлга киритди.

Ушбу миллий фестивал миллий қадриятлар кенг тараннум этилган, тинчлик ва миллатлараро дўстлик улуғланган санъат байрами сифатида хорижлик меҳмонлардан ҳам катта таассурот қолдирди.

— Шарқона баҳорнинг кириб келишига рамзий ишора — "Бойсун баҳори" фестивалини кузатиш мен учун жуда мароқли кечмоқда, — дейди хитойлик сайёҳ Жоу Жоу. — Ҳозиргина кураш мусобақасида ғолиб бўлган ўзбек пахлавонининг маҳорати мени ҳайратда қолдирди. Юртимизда курашни жуда севишар экан. Фестивалда янграган кўшиқлар, урф-одатларининг ранг-баранглик ва ажойиб меҳмон-дўстликни бир умр ёдимдан чиқармасам керак. Биз "Бойсун баҳори"га албатта, яна келаемиз.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросимида Сурхондарё вилояти ҳокими Эркин Турдимов, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Баҳодир Сайфуллаев сўзга чиқиб, юртимизда қадим маданият меросимизни асраб-авайлашда ушбу фестивалнинг тутган ўрни ва аҳамияти, хусусан, халқ ижодий

250 дан ортиқ иштирокчиларнинг маҳоратлари нуфузли санъатшунос олимлар томонидан баҳоланди. "Бойсун баҳори" фестивалида Сурхондарё вилоятининг "Бойсун" фольклор-этнографик жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Қорақалпоғистон Республикасининг "Бес перде", Жиззах вилоятининг "Богдон гуллари" ва Хоразм вилоятининг "Хоразм" бадийи жамоалари иккинчи, Тошкент вилоятининг "Курама", Фарғона вилоятининг "Сўх чашмаси" ва Сирдарё вилоятининг "Сирдарё наволари" жамоалари учинчи ўринга муносиб кўрилди. Халқ оғзаки меросимизни асраб-авайлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган энг чечан бахши шоир, оқин ва жировлар, шунингдек қадим ўтовларни маҳорат билан ўрнатиб, унда миллийлигимизни намойиш этган иштирокчилар ҳам дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

— Бу йилги фестивал ҳар жиҳатдан юқори савияда ташкил этилди, — дейди фольклоршунос олим, филология фанлари доктори, профессор Маматқул Жўраев. — Унда халқ оғзаки ижодиетимизнинг дурдона



асарлари ижро этилди, боқий қадриятларимиз намойиш қилинди. Айниқса, фестивал арасида Термиз давлат университетида ўтказилган "Бойсун — моддий ва номоддий маданият бешиги" қўшма конференцияси давомида халқаро илмий-амалий конференция олимлар ва дунё аҳлининг эътиборини яна бир карра шу маданият гўшага қаратди. Германияда ўзбек, инглиз, немис ва бошқа тилларда чоп этиладиган "Анор" этнографик альма-нахида воҳа тарихи, хусусан, Бойсун маданият муҳити, бунда асрлар оша сақланиб келинаётган мерос ҳақида мақолалар берилаётгани ҳам эътироф, ҳам тарғиб вазирасини ўтамоқда.

...Икки кун давом этган "Бойсун баҳори" очиқ фольклор фестивалининг таассуротлари ва шуқуи узоқ йилларга татийдиган бўлди.

Баҳром НОРМУРОДОВ

Тадбир

ТОШКЕНТ ЯНА БИР ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

Истеъдодли ва иқтидорли ёшлар ҳаммиса давлатимиз эътиборида. Улар учун кенг шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилаётган. Бунинг натижаси ўлароқ бугунги ўзбек ёшлари дунё ареналарида муносиб иштирок этиб мамлакатимиз доврўгини жаҳонга ёймоқда. Шу йилнинг 2-7 май кунлари юртимизда ўтказилаётган "Шарқ атиргули" халқаро болалар ва ёшлар ижодий фестивали — кўрик-танлов ва истеъдодли ёшларимиз учун яна бир имконият.

Бу ҳақда Маданият вазири раҳматида таъкидланди, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, "Шарқ атиргули" халқаро кўрик-танлов ҳайъат аъзоси Кумуш Раззоқова.

— Ўтказилаётган кўрик-танлов ўз иқтидорига ишонган ҳар бир ўғил-қиз учун синов майдони бўлиб хизмат қилади. Фестиваль юртимизнинг салоҳияти, дунё саҳнадаги мавқеини ошириш, халқлар дўстлигининг янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади.

— Иқтидорсиз фарзанднинг ўзи бўлмайди. Фақат биз уни вақтида илғашимиз

кидланганидек, кўрик-танлов вокал ва хореография йўналишлари бўйича 4 ёшдан 17 ёшгача ҳамда 18 ёшдан 28 ёшгача бўлган йигит-қизлар ўртасида ўтказилади. Ҳар икки йўналишда ҳам иштирокчиларнинг саҳнада ўзини тутиши, либослари, рақс композицияси каби меъёрларга амал қилиши талаб этилади. Тадбирда таъкидланганидек, кўрик-танловда Қозғонистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Ҳиндистон, Тожикистон, Россия каби давлатлардан иштирокчилар қатнашиши кутилмоқда.

Дўстлик, биродарлик руҳида ўтиши кутилаётган фестивал доирасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари бўйлаб саёхат ҳам режалаштирилган.

Нигора НИШОНБОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

МММда

МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚАРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ РЕЙТИНГИДА 11 ПОФОНА КЎТАРИЛДИ

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларига тегишли халқаро стандартлар ўрганилиб, уларни тадбиқ этиш тизимли равишда олиб борилмоқда. Ҳозиргача жами 3,5 мингдан зиёд халқаро стандартлар қабул қилинди.

Бу ҳақда "Ўзстандарт" агентлиги Миллий матбуот марказида мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб бораётган ишларига бағишлаб ўтказган матбуот анжуманида маълум қилинди. Тадбирда "Ҳаракатлар стратегиясида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш устувор вазифа сифатида белгилангани алоҳида таъкидланди.

— Озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган самарали ишлар натижасида мамлакатимиз йилдан-йилга дунё рейтингига юқорилаб бормоқда, — дейди "Ўзстандарт" матбуот изланиш раҳбари Рауф Расулов. — АҚШнинг мамлакатимизда ўтказган тадқиқотга кўра, Ўзбекистон дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги рейтингига бир йил ичида 75-ўриндан 64-ўринга кўтарилган.

Анжуманда таъкидланишича, "Ўзстандарт" агентлиги қошидаги халқаро та-

лабларга жавоб берадиган, замонавий жиҳозланган кимёбиология лабораторияси озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини синаш ҳамда уларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлашга ихтисослаштирилди. Лабораториянинг аккредитация доираси, маҳсулотларни синаш бўйича 770 (шундан 30 та халқаро ИСО стандартлари) синов услубига кенгайтирилди. Шу йилнинг биринчи чорагида Кореянинг КОИСА дастури орқали грант маблағлари ҳисобига 540 минг АҚШ доллари қийматида теңг 3 донга замонавий синов ускунаси ўзлаштирилди. Улар ёрдамида озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хавфсизлик кўрсаткичлари аниқланмоқда.

Халқаро услубларни амалиётга жорий этиш, олиб борилган синовларнинг ҳарор даражада тан олинишига эришиш мақсадида ушбу лаборатория 2016 йилда Туркиянинг халқаро аккредитация идораси (ТурАК) томонидан аккредитациядан ўтказилди. Республикаимизда этиштирилаётган ўрик маҳсулоти эталон сифатида халқаро стандартларга киритилди. ИСО 22000 ва "Халол", "Global G.A.P." ҳамда ОРГАНИК стандартлар жорий этилди.

Тадбирда иштирокчилар мавзу доирасидаги саволларига мутахассислардан жавоб олди.

Гулжаё НУРМЕТОВА,
журналист

"МАРВАРИД" ЖАҲОН КЕЗАДИ

Туркияда миллий мустақиллик ва болалар байрами арафасида ўтказилаётган халқаро болалар фестивали анъана тусини олган. Туркия телерадиокомпанияси қирқинчи бор ўтказган мазкур фестивалда дунёнинг қирқдан зиёд мамлакатидан 800 дан ортиқ қатнашчилар ўз миллий санъати намуналари билан иштирок этди.

1929 йилдан буён ўтказилаётган фестивалда мамлакатимиздан "Марварид" болалар студияси вакиллари ҳам иштирок этиб, ўзбек миллий санъати намуналари намойиши билан фестивал қатнашчиларига қувонч улашди. Жажжи санъаткорларнинг, айниқса, ўзбек миллий кийимларида ижро этган рақси иштирокчиларнинг давомли олқишига сазовор бўлди.

2005 йилда пойтахтимизда ташкил этилган "Марварид" болалар студияси миллий ва замонавий кўшиқ ҳамда рақслари билан давлат тадбирлари ва турли концерт дастурларида мунтазам қатнашиб келмоқда.

— Нафақат мамлакат миқёсидаги тадбирлар, балки халқаро фестивал ва танловларда ҳам муваффақиятли иштирок этишга ҳаракат қилияпти, — дейди "Марварид" болалар студияси раҳбари Гулҷаё Эргашева. — Туркияда бўлиб ўтган фестивал ҳам болажонларимизнинг миллий санъатимиз доврўгини дунёга ёйиш, унинг халқро майдондаги нуфузини ошириш учун хизмат қилади. Қанчон, қарда халқаро танлов ва фестивалларда иштирок этмайлик, ўзбек миллий санъати бутун дунё аҳлини оҳанрабодек ўзига маҳлиё этаётганига гувоҳ бўлаемиз. Айниқса, "Лазги" ва "Тановар" ижро этилганида гарчи ўзбек тилига тушунмас-да, унинг кўйи ва оҳанга маст бўлиб, мусиқага ҳамоҳанг тарзда чайқалаётган томошабинларни кўрганимизда қалбимни ғурур ва ифтихор туйғулари эгаллайди. Мана шундай маданият мероси бой замин фарзанди эканлигимиздан фахрланиб кетаман.

"Марварид" болалар студияси 2017-2018 йилларда Москва шаҳрида бўлиб ўтган "Зажи свою звезду" халқаро болалар фестивалида хореография йўналиши бўйича 1-ўринни, эстрада хонандалиги, театр модаси, "Бастакорлик болаларга" йўналишида эса 3-ўринни эгаллади.

Санъатга ошурта болаларни бир жойга жамлаб, уларга санъат сирларини қунт билан ўргатиб келаётган "Марварид" болалар студияси бугун ўзбек миллий санъатини кенг тарғиб қилишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган.

— Айни шу даргоҳда беш йилдан бери устозларимдан санъат сирларини ўрганилган, — дейди "Марварид" болалар студияси қатнашчиси Хонзода Эркинова. — Мактабдан бўш вақтим асосан студияда ўтади. Халқаро танловларда иштирок этиб, миллий санъатимизни намойиш этиш баробарида бошқа давлатлардан дўстлар орттиряптимиз, улар санъати билан ҳам танишиб бораемиз.

Ҳа, санъат ҳамма даврда халқлар дўстлигига хизмат қилиб келган. У инсонни чексиз орзу-мақсадлар сари чорлайдиган, қалб ва вужудига сунмас ироддан жо айлайдиган буюк мўъжиза бўлиб қолаверади. Меҳр-муҳаббат, дўстлик, инсонийлик каби фазилатларни ўзида ифода этгани учун ҳам санъат ҳаммиса халқлар ардоғида яшайди.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Реклама ўрнида

ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА САРМОЯ

Айни кунларда Самарқанд вилоятида 11 академик лицей ва 162 касб-ҳунар коллежи фаолият юритмоқда. Уларда 129 минг 900 дан зиёд ўғил-қиз таҳсил олаётган. Таълим муассасаларининг барчасида ёшларнинг замонавий билим ва пухта касб-ҳунар ўраниши учун шароит ҳозирланган.

Самарқанд энгил саноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ана шундай намунали ўқув масканларидан. Бу ерда ўқувчилар тафаккурини бойитиш, уларнинг иқтидорини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таълим масканида 700 га яқин ўқувчи автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер ва компьютер тизимларини сошлаш, кенг ассортиментдаги кийимлар конструктори, менежер ёрдамчиси, молиявий масалалар бўйича кичик мутахассис ва бухгалтерия йўналишлари бўйича касб сирларини ўрганмоқда. Муассасадаги кимё, физика лаборатория хонаси, лингафон хоналари замона талаби даражасида жиҳозланган.

— Таълим соҳасидаги кенг қамровли ислохотлар бизнинг ўқув масканимиз фаолиятида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда, — дейди коллеж директори Шухрат Толибов. — Таълим муассасамизда ўқитувчи-педагогларнинг дарс ўтиш услубларини янада такомиллаштириш, дарс жараёнларида бугунги замонавий педагогик технологиялар, мультимедиа ва бошқа инновацион усуллардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилияпти. Акборот-ресурс марказида умумтаълим фанлари, махсус фанлар, ижтимоий-сиёсий, барча турдаги бадийи ва услубий адабиётлар, дарсликлар мавжуд Бундан ташқари, ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш,

билимини бойитиш, дунёқарабини кенгайтириш мақсадида спорт тўғрисидаги ҳам таълим этилган фан олимпиадаларида фахрли ўринларни қўлга киритишимизга замин яратмоқда. Хусусан, коллежимиз жамоаси шу йилнинг 29 январидан "Энг яхши инновацион фикрлаш" мавзусидаги кўрик-танловнинг вилоят босқичида 1-ўринни қўлга киритиб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам доимий эътиборда. Бу борада ҳудуддаги корхона ва ташкилотлар билан келишувга эришилган. Айниқса, битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка йўналтиришга ҳам катта эътибор қаратилаётган. Масалан, бу борада "8-Март" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорлик шартно-

маси имзоланган. Шунингдек, "Дака-ТЕХ" қўшма корхонаси, "Осий гиламлари" қўшма корхонаси, "Сино" МЧЖ ҳамда вилоят статистика бошқармаси билан ҳамкорлик шартномалари имзолангани айни ишларда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таълим масканида фаолият олиб бораётган ўқувчилар меҳнат бесамам кетмаётганини ўқувчилар эришган ютуқ ва марралардан ҳам билиш мумкин. Масалан, коллеж ўқувчиси Мадина Луқмонова ва Меҳрибон Маматқулова 2017 йилги "Моделер дизайнер" кўрик-танловнинг республика босқичида биринчи ўринни эгаллади. Александр Степанов эса ўтган йили Жиззах вилоятида бўлиб ўтган "Баркамол авлод" спорт мусобақасида спортнинг энгил атлетика тури бўйича биринчи ўринга муносиб топилди.


Ориф Холиқулов,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

АРШ ҲАМ ЛАРЗАГА КЕЛАДИГАН ЛАҲЗА

ЁХУД ОИЛАВИЙ АЖРИМЛАРНИНГ ДУНЁ МИҚЁСИДА АҲВОЛИГА БИР НАЗАР

Таҳлилчилар фикрича, дунёнинг ривожланган мамлакатларида оиланинг дарз кетиши одатий ҳолга айланиб бормоқда. Жуфтликлар моддий ва маънавий келишмовчиликлар оқибатида ажралиб кетмоқда. Энг ёмони, дунё бўйлаб анъанавий оила қадриятларига нусур етмоқда. Никоҳдан ўтмай бирга яшаб, кейин ажрашаётганлар ҳам кам эмас.



Шунга қарамай айрим давлатларда ажримларга қарши жиддий чоралар кўрилади. Бир қатор мамлакатларда эр-хотин тинч йўл билан ажралишга қарор қилган бўлишларига қарамай, улар қатор расмий жараёнлар билан тўқнаш келишга мажбур. Дейлик, Венгрия аҳолисига нисбатан таққослаганда оилавий ажримлар бўйича дунёда 3-ўринда туради: 67 фоиз никоҳ ажралиш билан яқунланади, ҳар ўнинчи венгриялик эркак ажрашса, 12,4 фоиз аёллар омадсиз турмушни бошдан кечиради.

Скандинавия мамлакатлари оилавий ажримлар бўйича доимо юқори кўрсаткични кўради. Швецияда 2013 йилда рекорд кўрсаткич — 100 никоҳга 25 ажралиш тўғри келган. Уларнинг кўпчилиги бир йилдан кам вақт бирга яшаган жуфтликлардир. Бугунги статистик маълумотларга кўра, бу мамлакатда никоҳларнинг 47 фоизи ажралиш билан тугайди. Португалияда ажримлар сони орттириш тўғрисидаги қарор билан сабаб бўлмоқда. Бу кўрсаткич бўйича Португалия Евроиттифоқда 2-ўринда туради. Мазкур мамлакатда ҳар кўни 70 дан ортиқ оила таназулга юз тутади.

АҚШда ҳам ажралишлар кўрсаткичи йил сайин ўсиб бормоқда. Бунга жисмоний ва руҳий зуғум, эр-хотинларнинг бир-бирига бўлган ҳурмати сўниши, хиёнат ва бошқаларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Россияда ажралиш коэффициенти 51 фоизга тенг. Ўн йил олдин ҳар учинчи оила

барбод бўлган бўлса, бугун ҳар иккинчи жуфтлик ажралиб кетяпти. Турар-жой йўқлиги, молиявий қийинчиликлар ва алкоғолли ичимликларга ружу қўйиш бунинг асосий сабабларидир. Евроиттифоқ давлатлари ичида бельгияликлар энг бой саналади. Яшаш шароити бўйича муаммолар кам бўлса-да, улар ҳам ажримлар бўйича юқори ўринда турибди. Аҳоли сонига кўра Мальдив давлати дунёда 175-ўринда туради. Бироқ ажримлар сони бўйича биринчиликти эгаллаган. Айнисқа, ҳозир оилалар бузилиб кетиши ҳар қачонгидан-да юқори.

Индонезиянинг Ява оролида нафақат жамият, балки табиат муҳофазасига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бу масала никоҳ ва ажримда ҳам ўз аксини топган. Маҳаллий ҳукумат қабул қилган қарорга кўра, турмуши бузилган ва ажралишга қарор қилган оила бешта дарахт ўтқазишга мажбур. Шуниси эътиборга молики, никоҳдан ўтаётган эш келин-куёвлар ҳам албатта, дарахт ўтқазишлари керак. Агар никоҳдан энди ўтлаётган бўлса, у ҳолда битта дарахт ўтқазилади. Агарда иккинчи никоҳ бўлса, у ҳолда куёв учта кўчат экиши шарт. Бу анъана аввалига Фарбий Яваннинг Серанге минтақасида пайдо бўлган эди. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, бу анъананинг пайдо бўлишига минтақадаги иқлим сабаб бўлган. Қуруқ иқлим бўлгани боис мевали дарахтларнинг илдиз отиши қийин бўлади.

Шу сабабли ҳам эш келин-куёвлар турмуш қуришдан ёки ажралишдан аввал жамият ва табиатга фойда келтиришлари — яъни, дарахт ўтқазиб, унинг илдиз отишини кутишлари керак бўлади. Ажрим пайтида ҳар икки томон ўзаро келишувга эришиши лозим. Агар аёл фарзанд кутмаётган бўлса, томонларга ўйлаб кўриш учун юз кун муддат берилади. Шу давр ичида аёлда ҳомиладорлик кузатилмаса ҳамда эр-хотин фикридан қайтмаган бўлса, улар бир зумда ажратиб юборилади.

Индонезияда қайта никоҳдан ўтиш муаммо эмас. Эркаклар бир нечта фарзандли аёлларга ҳам уйланишлари мумкин. Улар қариган чоғда фарзандлардан кўмак олиш мақсадида шу йўлни танлашади.

Бирлашган Араб Амирликларида ажрашмоқчи бўлган эр-хотин йиллаб суд қарорини кутмайди. Эр уч марта талоқ сўзини тилга олса бўлди, хотин бу уйни тарк этади. Ажралиш жараёни узоқ давом этмайди. Лекин унда мол-мулкни тақсимлашга алоҳида эътибор қаратилади. Таҳлилчиларнинг сўзларига қараганда, амирликда никоҳдан аввал келин-куёв ўртасида шартнома имзоланади. Ажрим вақтида мана шу шартнома ҳар икки томонга кўл келади. Кўп ҳолларда турмуши бузилган хотин эрига тегишли уйни, катта миқдордаги маблағни олиш имкониятига эга бўлади. Никоҳ шартномасига кўра, нафақат эркак, балки аёл ҳам эр узоқ муддат қамоқ жазосига ҳукм қилинган, бедарак йўқолган, фарзандсизлик ёки бошқа оғир касалликка чалинган тақдирда ажралиш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Италияда ажрашмоқчи бўлган эр-хотинлар узоқ жараёни бошдан кечириши керак бўлади. Яъни уларнинг ҳар иккиси бир-бирдан кўнгли совиган, фарзандсиз бўлса ҳам ажримни тўрт йил кутишга мажбур. Аввалига уларга уч йил муддат берилади. Шу давр ичида эр-хотин алоҳида-алоҳида яшашлари, ўз қарорларини обдон ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўришларига имконият яратилади. Агар бахсли муаммолар (бола ким билан қолади, мол-мулк тақсимланиши) ҳал қилинмайдиган бўлса, у ҳолда бу жараён ўнлаб йилга чўзилиши ҳам мумкин.

Германияликлар аниқ ҳисоб-китобга одатланган халқ. Бу мамлакатда ажрашмоқчи бўлган эр-хотин бир йил алоҳида яшати шарт. Тўғри, бунинг учун улар бошқа-бошқа хонадонларда яшашга мажбур эмас. Бир хонадонда яшашда давом этишлари, аммо ётоқхона ҳамда музлатгич алоҳида бўлиши керак, яъни рўзгорини мустақил юритишга

мажбур. Ана шундан кейин улар судга ариза бериши мумкин. Бу мамлакатда бахсли масалалар чиқиб қолса, ажрим жараёни уч йилдан беш йилгача давом этади. Лекин, кўп ҳолларда бу жараён бир йилда яқунланади.

Японияда ажрашмоқчи бўлган эр-хотиннинг бир-бирига эътирози бўлмаса, бу жараён бир неча кун давом этади, холос. Аммо муаммолари томони шундаки, уларнинг ҳар иккиси адвокат хизматидан фойдаланиши шарт. Агар фарзандлари бўлса, ажралиш жараёни андак қимматга тушади. Суд ота алимент тўлаши кераклигини айтса-да, лекин кунчиқар мамлакатда бу масала отанинг виждонига ҳавола қилинади. У ўз хоҳиши билан фарзандига алимент тўлайди. Агар оилага хиёнат аралашса, у ҳолда эр маънавий товон сифатида хотиндан 40 минг долларгача пул ундириши белгиланган.

Статистик маълумотларга қараганда, сўнгги йилларда Ўзбекистонда никоҳлар сони камайиб, ажримлар сони кўпаймоқда. Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2016 йилнинг январь-июнь ойларида ФХДЁ идоралари 92,4 мингта никоҳ ва 14,8 мингта ажрим ҳолатини рўйхатга олган. Ўтган йиллар билан қиёсланганда, никоҳлар сони бирмунча камайган. Юртимизда оилаларнинг бузилишига ўзаро носоғлом муносабат, дабдабали тўйлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги низо-лар сабаб бўлаётгани бот-бот айтилади. Кўпни кўрган, нуроний қайноналарнинг тажрибасини оммалаштириш, уларнинг оила тутуми, келин ва фарзандларга муомала муносабатлардаги ҳаётий сабоқларини ёш қайноналар ўртасида кенг тарғиб этиш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш мақсадида 8 мингдан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинларида "Қайноналар кенгаши" жамоат тузилмаси ташкил этилган бўлиб, улар фаолияти, амалга ошираётган ишларини Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари ўрганиб бормоқда. Оилаларнинг томонлар обдон ўйлаб кўришлари учун маълум муддат имкон берилади.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳадисларда талоқ сўзи айтилган вақтда Аллоҳнинг Арши даръага келиши айтилган. Халқимизда "бир кун жанжал чиққан хонадондан қирқ кун фойз-барака кетади", деган нақл ҳам бор. Демокчи бўлганимиз, оила — жамиятнинг бир бўлаги. Агар бир оила бузилса ҳам, жамиятга катта таъсир ўтказмайди. Оилаларимиз мустаҳкам бўлиши эса ҳар жиҳатдан ўзимизга боғлиқ.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ




ЯНГИ КОСМОНАВТЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ



Хитойда космонавтларнинг учинчи авлодини тайёрлаш ва тайёрлаш жараёни бошланди. Бу ҳақда ТАСС ахборот агентлиги хабар берди. Уларнинг айтишига кўра Хитойда коинот станцияси қуришда иштирок этиши кўзда тутилган.

Учинчи авлод космонавтлари 17-18 кишидан иборат бўлади. Улар учувчилар, борт муҳандислари ҳамда бо-сим бўйича мутахассислардан иборат таркибда тузилади. Танловда фақат ҳарбий учувчилар эмас, балки авиация ва коинот технологияларига алоқадор илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари ҳам иштирок этиши мумкин. Тайёргарлик жараёни ниҳоясига етган, коинот станцияси билан боғлиқ режалар устида иш олиб борилади.

"YOUTUBE"ДА ҲАМ МУАММОЛАР ТУФИЛМОҚДА




Интернет сайтларида "YouTube" видеохостинги фаолиятида узилишлар бўлаётганидан шикоятлар тушмоқда, деб хабар берди "hitech.vesti.ru" сайти. Кўпчилик фойдаланувчиларда YouTube билан муаммолар 22 апрелдан бошланган. Унинг эртасигаёқ тармоқ фаолиятидан қониқиш ҳосил қилмаган фойдаланувчилар сони икки баробарга ошган.

Видеохостинг билан пайдо бўлган муаммолар кўпроқ Россия ҳудудига тўғри келган. Айримларда сайт умуман ишламаган бўлса, бошқаларда видеоларни кўришда узилишлар рўй берган.

Аввалроқ "Google" ("YouTube"нинг эгаси) компанияси Россиядаги серверлари фаолиятида муаммолар юзга кел-лаётгани ҳақида хабар берган эди. Мазкур онлайн қидирув тизими компаниясининг матбуот хизмати келаётган шикоят хатлари билан танишиб, муаммони бартараф этиш йўллари изланаётганини айтиди.

20 апрелда Россияда "Telegram" мессенжери фойдаланиши билан боғлиқ ҳолда аксарият "Google" IP-манзиллари блокланган маълумотлар реестрига киритилган. Айти пайтда уларнинг очилиш-очилмаслиги суд қарорига боғлиқ бўлиб турибди.

ЭНГ ТЕЗКОР ТРАНСПОРТ



АҚШнинг "SpaceX" компанияси директори Илон Маск тезкор транспорт — "Hyperloop" учун синов тунели қуриш ҳақида эълон қилди, деб хабар тарқатган "texnomaniya.ru" сайти.

Маскнинг сўзларига кўра, вакуумли тунел ичидаги капсула тезлиги соатига 500 километр ёки овоз тезлигининг ярмига етиши мумкин. Бунда тўхташ йўли 1,2 километрга тенг бўлади, холос. Маск бу гоя фантастика каби кўринса-да, ҳар қандай тажрибани амалда қўллаб кўриш бағоят қизиқарли эканини таъкидлаган.

"Hyperloop" — бу "SpaceX" компанияси 2012 йилда таклиф қилган юқори тезликдаги транспорт лойиҳаси. Унга асосан йўловчилари бўлган капсула махсус вакуумли тунелларда ҳаракатланади. Бу эса ҳаракатнинг тезлиги сезиларли даражада орттиришига имкон беради.

Эслатиб ўтамай, айти пайтда тезлик рекорди "Virgin Hyperloop One" компаниясига тегишли бўлиб, яратган транспорт воситаси соатига 387 километр тезликда ҳара-катлана олади.

Интернет материаллари асосида М.АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Рангин дунё

ТРЕВИ — МЎЪЖИЗАКОР ФАВВОРА



"Чинор остида дуэль" фильми ёдингиздами? Фильм бош қаҳрамони Нортон Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри олдидида фавворада суратга тушар экан, "аъло баҳо олиб, ўқишга кирганларгина бу ерда расмга тушиши мумкин", дея бунга "изоҳ" беради...

Сўнгги йилларда мамлакатимизда Фавворалар сайли кенг нишонланмоқда. Ҳар йили 1 май пойтахт ва вилоятлар фавворалари атрофи ҳар кунгидан-да гавжумлашади. Ай-ниқса, муסיқали фавворалар сувнинг муסיқага уйғун ҳолда юқорига нафис отилиши ва уни турли рангдаги чироқ ҳамда лазер нурулари билан ёритилиши орқали гўзал манзара ҳосил қилиб, инсонга ўзгача кайфият, фикрий тиниқлик ва сокинлик ҳада этади. Бу турдаги фаввораларнинг ҳам ўз тарихи бор. Биринчи муסיқали фаввора 1939 йилда Нью-Йоркда ўтказилган жаҳон санат кўргазмасида намойиш қилинган. Шундан сўнг турли кўринишдаги фавворалар бутун дунё мамлакатлари бўйлаб бирин-кетин барпо этила бошланган.

Рим шаҳрида жойлашган Треви ("Fontana di Trevi") фаввораси ҳам ана шундай мўъжизакор иншоотлардан бири саналади. Треви фаввораси кўп йиллардан бери Римнинг "таширф қоғози" ҳисобланади. "Тре виа" — "уч кўча" деган маънони англатади. Чунки фаввора уч кўча бирлашган нуқтада барпо этилган.

Бу ерга келган ҳар бир хорижлик сайёҳ фавворага танга ташлаб, Римга яна бир бор келишни ниёт қилади. Италия пойтахтидаги бу фаввора шунчалик машҳурки, унга боғлиқ турли иримлар вужудга келган. Улардан бирига кўра, сай-

ёҳлар фавворага орқа ўгириб, ўнг қўли билан иккита танга ташласа, муҳаббатини учратади. Тангалар сони учта бўлса, оила қуришни ниёт қилган саналади. Тўртта танга ташлаш эса бойиб кетиш истагини англатади.

Фавворага танга ташлаш одати ўтган асрнинг 50-йилларидан пайдо бўлган. Ўшанда Голливуд томонидан ишланган бахт излаб Римга келган уч нафар америкалик ҳаётга бағишланган "Фавворадаги уч танга" номли фильм катта экранларда намойиш этилади. Шундан бошлаб фавворага танга ташлаш урф бўлган.

Фавворага ташланган тангалар унинг тубига тушиши билан шаҳар мулкига айланиши қонун билан белгилаб қўйилган. Бироқ бу мулкни ўзлаштиришга интилувчилар ҳам топилди туради. Шу сабаб баъзида Рим полицияси эрта тўнг ва ярим кечаси фаввора тубига тушиб, тангаларга эғалик қилмоқчи бўлганларга қарши қурашишга мажбур бўлмоқда.

Ўтган йили фавворага 1,4 миллион еврога тенг танга ташланган. "La Repubblica" газетасининг ёзишича, бу маблағ хайрия мақсадларига йўналтирилади. Пуллар халқаро "Caritas" хайрия ташкилотига берилади ва камбағаллар учун бепул озиқ-овқат тарқатиш, бошпана бериш ва бошқа мақсадлар учун сарфланади. Мақолада айтилишича, фавворага нафақат евро, балки бошқа давлатлар пул бирликлари ҳам ташланмоқда. "Caritas" ташкилоти баёнотида кўра, фавворага нафақат танга пуллар, балки медальон, қулф-калит, билагузук, кўзойнақлар ҳам ташланаётган экан. Фавворадан олиб чиқилаётган пуллар қиймати сўнгги бор 2013 йилда эълон қилинган. Аниқланишича, фавворага ташланаётган

тангалар қиймати Римдаги музейлар даромадидан ҳам ортиқ. Масалан, Рим миллий музейи бир йилда ўртача 1,1 миллион евро фойда кўради.

Треви — Италиядаги энг катта фаввора. "Мангу шаҳар" рамаларидан бири бўлган бу фаввора таъмирланганидан сўнг 2015 йилнинг ноябрь ойида қайта ишга туширилди. Таъмирлаш ишларига "Fendi" модалар уйи 2,2 миллион евро сарфлаган. 17 ой давомида 26 мутахассис ҳайкалтарош Николо Сальви яратган шох асарни асл ҳолига келтириш учун машаққатли меҳнат қилди. Таъмирлаш давомида мармарни яши сақлаш мақсадида Треви фавворасини сув билан таъминлашнинг янги тизими, қушларни ҳурқитиб турувчи усқуна ва видеокузатув қурилмалари ўрнатилди. Бундан ташқари, фавворага тунда сувни ёритиб турувчи 100 донна чироқ ўрнатилди.

Аслида фавворани 1732-1762 йилларда архитектор Николо Сальви яратган бўлиб, у Палаццо Поли саройи билан ўзаро уйғунлашиб кетган. Николо Сальви ўз ишини тугата олмаган: фаввора очилишидан 10 йил аввал вафот этган. Унинг ишини Иосиф Панини давом эттирган.

Бу фаввора "Рим таътиллари" каби машҳур фильмлар орқали ҳам тарихга муҳрланган. Қолаверса, фаввора кўплаб италиялик бастакорларнинг илҳом манбаи бўлиб келаётди. Унга сув Римдан 13 километр узоқликда жойлашган чашмадан қувурларда олиб келинади. Тревини томоша қилиш ва баҳра олиш мақсадида ҳар кун миңлаб сайёҳ келади. Фаввора ҳафтада бир марта тозалаб турилади.

Ш. ТўЛАГАНОВ

